

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих кафедраси

Оқилова Лоланинг

**5220200- тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**Мустабид совет тузумининг “Ўзбекистондаги қатағончилик сиёсати ва
унинг оқибатлари” мавзусини Касб-ҳунар коллежларида ўрганиш
методикаси мавзусидаги
битирув малакавий иши**

**Раҳбар: тарих фанлари номзоди,
доц. Ў.Эрбўтаева**

Гулистон - 2014

Мавзу: Мустабид совет тузумининг “Ўзбекистондаги қатағончилик сиёсати ва унинг оқибатлари” мавзусини Касб-хунар коллежларида ўрганиш методикаси.

РЕЖА:

Кириш.

I. Боб. Мустабид совет тузumi даврида маъмурий буйруқбозлик тоталитар тузумнинг қарор топиши.

- 1.1. Совет тузумининг миллий раҳбар ҳодимга нисбатан қатағонлик сиёсати масаласини АЛ ва КХҚда Ўзбекистон тарихи дарсларида ўрганиш.
- 1.2. 1950 йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилиниши жараёнини, интерфаол методлар асосида ўрганиш.

II. Боб. Қатағонлик даврини ўрганишда интерфаол методлардан фойдаланиш.

- 2.1. “Ўзбек иши”, “Пахта иши”, сиёсий масаласини Академик лицей ва касб-хунар коллежларида интерфаол методлар асосида ўтиш.
- 2.2. 1980-йиллар охири 1990-йилларда олиб борилган қатағонлик сиёсати.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг
бор,
Айтсам адо бўлмас армонларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шахид ўғлонларинг бор.

КИРИШ

Тадқиқот муаммоси: Собиқ советлар тузуми даврида юз берган 20-30 йиллардаги дастлабки қатағонликларнинг юз бериши. 50-йилларда юз берган советларга қарши миллатчилик фаолиятидаги айбланишларнинг юз бериши, шунингдек “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган сохта кампаниялар туфайли Марказдан Гдлян ва Иванов бошлиқ терговчилар гуруҳи келиб, Ўзбекистон Республикасида юритган сиёсатини ўрганиш Битирув малакавий ишимдаги муаммодир.

Тадқиқот мавзуси: Ўрганмоқчи бўлган битирув малакавий ишни Академик лицей, Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига “Ўзбекистон тарихи” дарсларида “Ўзбекистонда юз берган қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари” деб номласа бўлади.

Битирув малакавий ишимнинг долзарблиги: шунингдек, 20-йилларнинг охирига келиб республикада мустабид тузум ўзини тўлиқнамоёнэтди. Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлиқ “Миллий истиқлол Ташкилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Қамоққа олинган 85 та аъзодан 15 таси отилди.

1930 йилда давлат банки аппаратида ўтказилган тозалаш вақтида бир қанча раҳбар ходимлар, қамоққа олинди ва отувга ҳукм қилинди. Шунингдек, “40-йилларнинг охири 60-йиллар бошлари сталинизм даврида мустабид тузум ўз халқига қарши ўтказган оммавий қатағонларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Бу қатағонлар СССРда 1930 йилдан 1953 йилгача 3.778.234 кишига дахлдор бўлди, улар ҳуқуқ органлари томонидан “аксил инқилобчи” ва “халқ душмани”

сифатида айбланган эдилар, улардан 786098 киши отиб ташланган эди.1 шу жараёнларнинг сабабини тахлил қилиш ва илмий асосда ўрганиш уни Академик лицей ва касб-хунар коллежи ёшларига ўргатиш уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш битирув малакавий ишнинг долзарб томонидир.

Тадқиқот объекти: Битирув малакавий ишда “қатағонлик сиёсатининг сабаби ва оқибатлари ўрганилди. Ал ва КХКда Ўзбекистон тарихи фанидан қатағонлик сиёсатига оид мавзуни ўрганишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг аҳамияти шундаки, Ўзбекистоннинг энг янги тарихида жамият маънавиятининг қайта туғилиши унинг миллий ўз-ўзини англаши шароитида ўтган йўлларимизга назар солиш улкан аҳамият касб этади. Ўзбек халқи босиб ўтган синовлардан энг дахшатлиларидан бири XX асрнинг 20-50 йилларида авж олган ҳамда миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган Совет режимининг қатоғон сиёсати бўлди. Бутун Совет Иттифоқида бўлгани каби Ўзбекистон ССРда ҳам мудҳиш қатағон сиёсати юритилди. Қатағонлик сиёсатига оид бўлган маълумотлар илмий адабиётлар, архив ҳужжатлари асосида тахлил қилинди ва ўрганилди. Бу ишни Олий ўқув юртининг тарихчи талабалари Ўзбекистон тарихи дарсларида ва Академик лицей касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ўқув услубий қўлланма сифатида Ўзбекистон тарихи фани дарсларида бевосита фойдаланишлари мумкиндир.

Битирув малакавий ишнинг янгиллиги: Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган миллатни хурлик ва эркинликка чорлаган мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини чуқур ўрганиш ёшлар қалбида метин иродали мард аجدодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч истиқлол ғояларига садоқат ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

¹Президентининг 1999 йил 12 майдаги фармойишига мувофиқ вазирлар маҳкамаси Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг қатоғон қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш хотирасини абадийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди. ¹

“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси “Адолат” ва маънавият нашриётларида истиқлол фидойилари туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий- ижодий мероси улар ҳақидаги тадқиқотлар Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдномалар шунингдек тарғибий- ташвиқий адабиётлар ва кўргазмалар воситаларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйди. Ўз телерадиокомпания “ Унутмас мени Ватан ” номли махсус ижодий гуруҳ ташкил этди. Мустамлакачилик даври қурбонларининг хотирсини абадийлаштиришга оид амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб борди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: Иш кириш, иккита боб, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, рўзномалардан олинган манбалар , интернет сайтлари рўйхатидан иборатдир.

Тадқиқот ишини ёритишда илмий адабиётлар, манбалар, архив ҳужжатлари, вақтли матбуот материалларидан фойдаланилди.

¹ Фуқаролик жамияти 2011 йил №1 (25) Жамоат ташкилотларининг қатоғон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги фаолияти ҳақида. 37 бет

I. БОБ. МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗЛИК ТОТАЛИТАР ТУЗУМНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ.

1. 1. СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Биз муҳим инвацион жараёнлар даврида яшайпмиз. барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳатларнинг кенг кўламлилиги, долзарблиги ва мураккаблиги бугунги кун ўқитувчиларига катта маъсулият юклайди. Хусусан, ислоҳатларнинг туб йўналишларидан ҳисобланаётган таълим мазмунини янгилаш, ўқитувчи ва талабалрнинг таълимга бўлган янгича қарашларини шакллантириш баробарида илғор педогогик технологияларни қўллаш ҳам ўқитувчилардан катта маҳорат, ижодий меҳнат ва албатта замон талабларига жавоб берадиган билимлар мажмуи талаб қилинади.

Шуни инобатга олган ҳолда, “мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари” мавзусини ўрганишда Ал ва КХҚКнинг тарих фани ўқитувчилари ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янги педогогик технологиялар асосида дарс ўтишларини мақсадга мувофиқдир.

Масалан Ўзбекистон тарихи фанидан дарс ўтиш жараёнида қуйдагича режа тузишлари лозим. Асосий саволлар қуйдагича тузилиши мумкин.

1. Асосий саволлар:

1. 20 йилларнинг иккинчи ярмида қатағонликлар.
2. Ҳуқуқ ва маориф тизимида қатағонликларнинг авж олдирилиши.
3. 30-йиллар ўрталаридаги оммавий қатағонликлар.
4. Мустамлакачилик даври қурбонлари шахидлар хотирасига авлодалр эҳтироми.

Таянч иборалар:

Репрессия (қатағон), оммавий террор (қатли ом), “ўн саккизлар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик”, “бадриддиновчилик”, Мунавварқори

Абдурашидхон, Миллий иттиҳод, Миллий истиклол, нар²комзем, наркомпрос, наркомвнутторг, наркомздрав. Ушбу мавзунини ёритиш жараёнида тарих фани ўқитувчиси томонидан ҳар бир саволга изоҳ берилади. Таняч ибораларга алоҳида изоҳ берилади, фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар тавсия этилади ва танч ибораларга ҳам алоҳида-алоҳида изоҳ бериб ўтилади.

Юқорида тавсия этилган режага кўра дарс ўтадиган синф хонаси ёки аудитория интерфаол методлар асосида дарс ўтиш учун қуйдагича жиҳозланган бўлиши лозим:

1. Компьютер,
2. Монитор.
3. Видео
4. Процессор каби техник воситалар билан замонавий услубда жиҳозланган бўлиши шарт.

АЛ ва КХК ўқувчиларига дарс ўтиш жараёнида 20-30-йиллар, 50-йиллар давомида юз берган қатағонлик сиёсатига оид бўлган маълумотлар тақдимот услубида ўқувчи-ёшларга кўрсатилади ва тарих фани ўқитувчиси томонидан тушунча берилади.

Тан олиш лозимки, Ўзбекистонда тикланиш йиллари бениҳоя оғир кечди. Халқнинг озодлиги, зркин турмушни барқарорлаштириш йўлида бор кучинин сафарбар этишга тўғри келди. 20—40 йилларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Турор Рисқулов сингари юзлаб асл инқилобчилар дадил ҳаракат қилдилар. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир сингари бир-биридан истеъдодли адиблар — маърифат тарғиботчилари, зиё таркатувчилар ўз ижодлари билан миллий маданият тараққиётига беқиёс хисса қўшди¹

Инқилобий кураш тўсиқларсиз, кечмади албатта. Айниқса, тақдиримизга "оқ доғ" бўлиб тушган 30-50 йиллардаги қатағон қанчадан-қанча халол

² Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Тошкент 2007 й 506 бет.

инсонларнинг умрига зомин бўлди. Шахсга сиғиниш даврида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов, жумҳурият Халқ Вазирлар Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Исроил Ортиқов, жумҳурият Марказий Ижроя Қўмитасининг раисининг биринчи муовини Д. Манжора, Ўзбекистон ССР халқ ишлари Халқ Комиссари Р.Исломов, 19-дивизия қўмондони Миркомил Миршаропов, оташқалб инсон Низомиддин Хўжаев ва яна қанчадан-қанча баркамол зотлар айна фаолияти гуллаган пайтда нобуд бўлишди. Ўша кезларда Республикамизда ноҳақ қамалганларнинг минглабдир. Бугун тан олинмишча, ўша кезларда уларга ўйлаб топилган ва ҳеч ким охирига етолмайган айблар қўйилган. Ноҳақ тухматлар уюштирилган. Зиёлаларнинг етук намояндалари миллатчиликда айбланган. Ёлғон гувоҳлар ҳам топилган. Қамалганларнинг оилаларига тазийқлар ўтказилган. Фитрат, Чўлпон ва Усмон Носир асарларига шубҳа билан қаралган. Уларнинг нинадек камчилигидан йирик сиёсий хатолар ишланган. Шу боис ўз халқига улар душман қилиб кўрсатилди. Оммани маърифатга чорловчи китоблар аёвсиз йўқ қилинди. Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирийнинг ижодига катта айб қўйилди. Асарлардаги муҳаббат ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи сатрларнинг маъноси тескари шархланди. Зеро ўша кезларда ҳеч ким бу бедодликнинг олдини олиш қудратига эга эмас эди. Ҳамма Сталин шахсига сиғиниш даврида юз бераётган қамоққа олишлардан безиллаб қолганди. Аммо ёруғ кунлар келишига имон комил эди. Ҳар қандай кулфат беиз кетиши мумкин эмас. Инсонни жисмонан мағлуб этса бўлади-ю, аммо унинг ишини йўққа чиқариш мушкулдир.

50-йилларнинг иккинчи ярмида ноҳақ айбланганларни оқлаш, уларнинг номини тиклаш борасида катта иш олиб борилди. Айниқса, бу хайрли юмушга КПСС XX съезди кенг йўл очиб берди. Шундан сўнг бутун мамлакатимизда бўлганидек Республикамизда ҳам ўша даврда қамоққа олинган ва дом-дараксиз кетганлар ишини қайта кўриб чиқишга киришилди. Шундан сўнг Марказий

Қўмилада шахсга сиғиниш даврида ноҳақ қамалганлар ишини кўриб чиқувчи махсус комиссия тузилди. Москвада шу мақсадда ташкил этилган Бутуниттифоқ комиссиясига 7 киши аъзо эди. Комиссия иш кўриш жараёнида жуда мураккаб тўсиқларни енгишга тўғри келди. Қанчадан-қанча сохта ва фақат бўхтондан иборат бўлган жиноий ишлар қайта кўриб чиқилди. Комиссияда айбсиз деб топилган шахсларнинг иши бир неча бор кўриб чиқилди. Ростки, ҳаммаҳамўша кезде бу юмушнинг силлиқ кетиши тарафдори бўлган, дебайташ қийин.

Акмал Икромовни оқлаш масаласана уч бор бюро мажлисида кўриб чиқишгатиўга келган. Икки гал бу вазафа ижобий хал зтилмада. Нихоят, учинчи бор мажлис иштирокчилари ўзбек халқининг оташин фарзанди А.Икромовнинг ноҳаққамалганлигини тан олишда. Худда шундай аянчла тақдир эл севган адиб Абдулла Қодирийнинг бошига ҳам тушганди. Унинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари, "Обид кетмон" қиссаси ҳамда "Ичак узди" ҳажвиялари, "Муштум" журналидаги фелъетонлара ўша кезде кўпчиликка хуш келмаган. Бундай қарама-қаршилиқ ёзувчини расмий оқлаш пайтида ҳамўзини намоён этади. Кейинги галиилида А.Қодирий бутунлай айбсиз, деб топилди.

Кейинги йилларда шахсга сиғиниш даврининг мудҳиш оқибатларина очиб ташлаш борасидагиини, бироз бўлса-да сусайди. Мамлакатда турғунлик ҳукм суриб, инсон кадриятлари унутилди. Мозийни қандай бўлса, шундай қолдириш тарафдорлари кўпайиб кетди.

Туркистон истибдодга солинган дастлабки кезлардан бошлаб мустақиликка эришганимизга қадар ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлиларни, атокли давлат арбобларини, етук миллий кадрларни қатағон қилиш – мустамлакачилик тартибларини мустаҳкам сақлаб туришнинг энг мохирона, тарих синовидан ўтган йўлларида бири сифатида фойдаланилди. Қатағон қилиш миллий кадрларни қайратишга, халқларнинг миллий онги, миллий ўзлигини англаб

етиши ва миллий ғурури ўсишига йўл бермаслакка қаратилган давлат сиёсати эди³.

Совет ҳокимияти қатағончиликнинг энг дахшатли йўллари ихтиро қилди ва ишга солди. Чоризм даврида кўпинча айрим "хавфли шахслар" тазйикостиғаолингансургунқилинганбўлса, Шўро замонида бутун-бутун халқлар ўз юртидан бадарға қилиди. Бунга тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин.

Ижтимоий адолатсизликнинг бузулиши 1937-38 йилларда энг охириги чўққига чикди. Ўзбекистонда дахшатли тус олган умумий кирғин натижасида халқимизга халол ва покиза хизмат килган қанчадан-қанча давлат арбоблари, олимлар, маданият ходимлари адолатсизлик, қонунбузарликнинг қурбони бўлдилар. Ўзбек халқининг севиқли ва ардоқли фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовнинг тақдирлари ҳаммамизга маълум.

Республикаимизнинг бу икки атоқли арбоби қамалганларидан кейин уларга яқин бўлган, бирга ишлаган одамларни таъқиб этиш, қамаш ва ишдан ҳайдаш тезлашиб кетди.

Қатағонлик дахшатли довулдек кўзга кўринган зиёлиларимиз гулини - энг сараларини бирма-бир супириб кетди. Бу кулфат ва дахшатдан элу юрт хурматига сазовор бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Элбек, Шокир Сулаймон, Ғулом Зафарий, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Муҳаммад Хасан ва бошқа атоқли шоир ва ёзувчилар, журналистлар, олим ва санъаткорлар катта жабр кўришди. Улар турли йилларда киндик қонлари тўкилган ватанларидан олисда хаётдан кўз юмдилар. Маданиятимизнинг энг яхши миллий кадрлари йўқотилиши маънавий хаётимиз ривожига, миллий онгимиз ўсиши ва миллий ғуруримизга катта зарар етказди.

"Қатағончилик бу билан тўхтаб қолмади. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва урушдан кейинги йилларда ҳам ўзбек халқи ажойиб фарзандларнинг

³Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996 йил 56-бет.

бошларидан қора булут айланди, кўплари ноҳақ қурбон бўлдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди. Максуд Шайхзода, Марзакалон Исмоилий, Шухрат, Шукрулло, Саид Ахмад, сингари адиблар, Ҳамид Сулаймоа, Мухиддинқори Ёқубов, Сулаймон Азимов, Тўхтасин Жалилов ва бошқа олиму санъаткорлар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечардилар"¹.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. "1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг "учликлари толофатдан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939-1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди. 7 минг 100 киши эса отиб ташланди"². Ғайри қонуний равишда жиноий жавобларликка тортилганлар орасида олимларни ҳам, ҳарбайларни ҳам, зиёлилардан тортиб оддий ишчилару деҳқонларни, ҳатто қосиб хунарамандларни ҳам истаганча топиш мумкинзди.

Мустақилликка эрашганимизга қадар қатағончиликнинг манфур тўлкини тўхтамасдан доимо қалқиб турди.

Икромов Марказком Биринчи секретари лавозимидан бўшатилади, Ўзбекистон КП (б) шарказий Комитети таркибидан чиқарилсин, партиясафидан ўчирилсин, унинг иши тергов идораларига оширилсин ва дарҳол қамоққа олинсин.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети Раиси бўлган Султон Сегизбоев 17 ёшида 1916 йилги қўзғолонда иштирок этди. 1918 йилда Коммунистик партия сафига кирди, коммунистик ташкилотлар барпо этилиши билан унинг раҳбарларидан бирига айланди. Москвадаги Қизил профессура олий илмгоҳини тамомлаб, профессор бўлди, шу олий илмгоҳда, Москва ва Тошкент олий ўқув

¹Ж.Туленов, Э.Ғафуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996 йил 57-бет.

²Ўша асар, 59-бет.

юртарида тарих ва иқтисод фанларидан дарс берди, 1937 йил сентябрида Халқ Комиссарлари Совети Раиси бўлди, 1938 йил 15 июнь куни Тошкентда вилоят партия конференцияси бўлиб ўтганда С.Сегизбоев президиумда Усмон Юсупов, ички ишлар Халқ Комиссари Апресян ва Марказком Бюросининг бошқа аъзолари билан ёнма-ён ўтирарди. Худди шу пайт унга кимдир: "Сизни ровоқда бир киши интизорлик билан кутиб турибди",-дейди. У ўрнидан туриб, залдан чиқади. Уни шу ерда - ровоқда хибсга олишади ва 21 июнда Мооквага олиб кетишади. 1939 йилнинг 25 феврилида эса Султон Сегизбоевни Харбий трибунал суд қилади. Суд жараёни икки соат давом этади. У олий жазога ҳукм қилинади ва ўша куниёк отиб ўлдирилади.

1948-1949 йиллари Ўзбекистоннинг йигирмадан кўпроқ йirik олимлари, истеъдодли ёзувчи ҳамда шоирларимиллатчилик ва ҳоказоларда айбланиб, қамалишганди. Улар Ички ишлар министрлиги томонидан суд қиллиниб, ҳар бири 20 йилгача ҳукмэтилган, лагерларга юборилди. Улар орасида таниқли олим Ҳамид Сулаймон, шоир ва ёзувчилардан Шукрулло, Шайхзода, Шухрат ҳамда бошқалар бўлишган.

Гуруҳ аъзолари устидан суд, юқорида қайд этилганидек, 1938 йилнинг 2 март куни Иттифок уйининг Октябрь залида бошланиб, 13 март куни тонг саҳарда соат 4-³⁰ да ҳукмни ўқиб эшиттириш бўйича яқунланди. А.Вишинскийнинг талаби билан СССР Олий Судининг Харбий коллегияси қуйидагиларни олий жазога - отиб ўлдиришга ҳукм қилинди: Н.И.Бухорин, А.И.Риков, Г.Г.Ягода, Н.Н. Крестинский, А.П.Розенгольд, В.И.Иванов, М.А. Чернов, Г.Ф.Гринько, И.А. Зеленский, А.Икромов, Ф.Хукаев, П.Т.Зуборев, П.П.Буланов, Л.Г.Левин, И.Н. Казаков, В.А.Максимов-Диковский, П.П.Крючков, қолган уч киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. А.Енукидзе қамоқхонада вафот этди. 1956 йил 25 февралда КПСС XX съезди бўлиб ўтди. Съездда Н.С.Хрущевнинг "Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида" маъруза қилди. Бир қанча олимлар, давлат арбоблари, давлат раҳбарлари, шоирлар ва ёзувчилар оқландилар.

Усмон Носир қамоққа олингач, уни билган ҳамда у билан бирга бўлганларга қарши хужум бошланди. Шухрат ҳам шоирни яхши билгани, шеърларини ёд олгани, ўз китобларига дастхат ёзиб, уни ўзбек адабиётининг умиди", деб атаганди. 1933 йилда "Ёш ленинчи" рўзномасида Мусаев деган шахснинг Усмон Носирга қарши мақоласи чиқиб қолди. Мақолада Шухратни ва унинг шеърларини ёд билган Неъмат Тошпўлатовни "Усмон Носирнинг думи" деб айблади. Шундан кейин Шухратнинг шеърларини эълон қилмай қўйишди. Шу орада уруш бошланиб қолди-ю, фронт уларни "омон" сақлаб қолди, Шухрат урушдан қайтгач, ижодий иш билан шуғуллана бошлади. Унинг "Хаёт чашмалари" шеърий тўплами босмахонада йўқ қилинди. Ўша кезде ёзувчилар уюшмасининг М.Шевердин, Н.Сафаров, З.Фатхуллин, Т.Собиров сингари бир гуруҳ казо-казолари бор эдики, уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Уларсиз иш битириш амри маҳол. Ўз-ўзидан улар Усмон Носирни ёмон кўришар, Шухратни ҳам ёмон кўришарди. 1947 йилда ёруғлик юзини кўрган "Хаёт нафаси" тўпламини ўқувчилар яхши кутиб олишада, уни кўра олмайдиганларга у дастак бўлди. Тез орада уюшма раҳбарлари ўзгарди-ю, Шухрат қамалиб қолди. Унга "Усмон Носирнинг тарғиботчиси, Абдулла Қодирий ва Чўлпон китобларини ўқиган ва тарғиб қилган", деган айб қўйишди. Уни очикдан-очик "Халқ душмани" бўлиб қамалиб кетганларнинг ишини давом эттираяпти, дея қоралай бошлашди. Республика ички ишлар Халқ комиссариатининг Сухнов, Козлов, Конников каби терговчилари уни тинмай сўроқ қиларди. Улар маҳаллий тилни билишмас, ўзбек адабиёти билан мутлақо таниш бўлмаган, уни бекордан-бекорга қийнашарди. Уни 21 ой хибсда сақлаб туришди. Ойбек ҳам уюшма аъзолигидан ўчирилди. Саида Зуннунова эса қамоққа олинган Саид Ахмаднинг хотини бўлгани учун ёзувчилар сафидан қувилди.

Ойбекни Ўзбекистонда яширин адабий ташкилотнинг раҳбари сифатида айблашганди. Бу борада Шухратдан "далил ундириш"га кўп бор уринишган.

Уни "Ёзувчилар уюшмасига раис деса", терговчилар: «йўқ, у анти совет⁴ ташкилотига раҳбар", деб оёқ тирашади. Уни буржуа позициясида туриб ижод қилади, асли шўро ёзувчиси бўлолмайди, барибир миллатчи, дея ҳеч ишонишмайди. Тунлари чақириб: "Ойбекни айблаб ёзиб берасан", дея талаб қилдилар. У қўл қўймайди. Бундай гапга кирмагани туфайла муздек сувга тикиб қўйишиб, сўкишар ва уришарди. Ўн бир ой якка хонада сақлашди. Шунинг ярми Ойбек учун, уч ойи Шайхзода учун уларга қарши ундан "далил" ундиришга ҳаракат қилашарди. Қамокқа олиш чоғида унинг уйини тинтув қилишди. Ўша кезде терговчилар 36 папкага жамланган қўлёзмаларни гумдон қилишган. Мусодара этилган қоғозлар орасида У.Носирнинг хали эълон қилинмаган шеърлари ҳам бор эди. У уларни араб алифбосидан лотин ҳарфида кўчиришга олганди. Шоир қамалиб қолгач, у Шухратда қолган эди. Ундан ташқари, қанчадан-қанча китоблар мусодара қилинган. Уларнинг орасида Уомон Носир дастхат ёзиб берган тўпламлар ҳам кўп эди. Шухрат асоссиз айблар учун 25 йил қамок жазосига ҳукм қилинди. Шундан 5 йил хибсда ўтиришга тўғри келди. Қозоғистоннинг Дезкозгон шаҳридаги мис конда, қурилишда меҳнат қилди. Шухрат билан бирга Ҳамид Сулаймон, Ориф Юнусов, Ориф Аюпов, Бозорбоев, Махмуд Муродов сингари ноҳақ қамалганларнинг кўпи ўтиришган. Саид Аҳмад ва Шайхзода уларга яқин бўлган жойда эди. Тутқунликда бўлган пайтда чўнтақларидан бир парча қоғоз чиқиб қолса борми, якка хонага қамаб қўйишарди. На ёзиш, на ўқиш мумкин. Уларниташқиҳаётданузибқўйишга неча бор ҳаракат қилишган. Фақат йилига икки мартагина хат ёзишга рухсат бор эди холос. Шухрат қамокдан қайтганидан сўнг, унинг устидан ёзганлар ҳеч нима бўлмагандек муомила қилишарди.¹

Шукрулло ўз ижодини энг оғир давр -37 йилда бошлаган. Уруш йиллари педагогик қалган. Институтнинг охирига курсида ўқигани боис уни фронтга

1.Ў. Эрбўтаева. Қатағон йиллар қурбонлари. Гулистон 1998 йил. 21 бет.

юборишмай, Олмаотадан қайтариб юборишди. Ундан сўнг ўқишни тугатиб, диплом олди. 1944 йилда аспирантурага кириб, 1945 йилда эса СССР Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди. Ғафур Ғулом ва Ойбек уни яхши билишар, шу боис улар уюшмага қабул қилишнитавсияэтишганди.

1946 йилда ВКП(б) Марказий Комитетининг котиби А.А.Ждановнинг ғоясизлик ва космополитизмга қаршиэълонқилинган мақоласи ҳамдаМарказийКомтетнинг Ленинграддаги бир қатор адабий ойнамалар бўйича қабул қилган қарори ўша кезде ижодга кириб келган ёшларга ёмон таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги пайтда Ойбек уюшма раиси, Шукрулло эса маслаҳатчи эди. Мамарасул Бобоев, Халил Ёкубовлар "Шарқ юлдузи"да хизмат қилишарди. Кунлардан бир кун улар ундан ойнамада эълон қилиш учун шеър сўраб қолишди. 1939 йилда Қорақалпоғистонда ўқитувчилик қилган кезларида Оролга бағишлаб ёзган "Денгизда бир тун" сарлавхали шеърини берди. Бу шеър эълон қилиниши билан, айрим сиёсатдонлар учун бу асар "ғоясизлик ва космополитизм" ҳақидаги қарорга мос келиб қолди. Улар унда меҳнат куўсатилмай, куруқ денгиз манзарасини мақталган, деб айб қўйишди. Қарорин' жойлардаги "ижро"си учун ўша иайтда шунга ўхшаган шеърлар керак бўлган. Бу 1948-1950 йилларда яна асоссиз қамоққаолишлар учун тайёргарликнинг дебочаси экан. Уни 1951 йилнийг бошида хибсга олишди. Ўз асарлари билан кўзга кўриниб қолган Шухрат, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Ёнғин Мирзо, ака-ука Абдунаби ва Абдурахмон Алимухамедовлар, Неъмат Тошпўлат, Махмуд Муродов ва бошқалар турли сабаблар билан қамоққа олинган эдилар. Қамоққа олиш пайтида унинг тўрт ёшли ўғли "Кремль юлдузлари" шеърини айтиб турганди. Уни Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги вазирлиги ходимлари тинтув қилииияпти-ю, у бўлса, Кремль ва улуғ Сталин ҳақида шеър ўқияпти. Таажабубли томони шундаки, фарзандларини ёшликдан давлатга, партияга садоқат руҳида тарбиялаган шоир миллатчи, шўро ҳукуматига қарши бўлиши, ахир, мантиққа тўғрикелмайди-ку!

Шукруллони устидан юргизилган ноҳаққоний жиноий ишни терговчи Суханов олиб борди. Унга “миллатчилиги учун қамалган Усмон Носир ва Чўлпоннинг шеърларини ўқигансан. Шўро тузумидан нолиб, палончининг тўйида Сталиннинг "ҳаёт қувноқ, ҳаёт тўкин бўлиб қолди", сўзларини мазах қилиб айтгансан", деган айбларни қўйди. Бу ҳаётмагандай "пессимистик шеърлар ёзган", деган тамға босилди. Унга ҳеч қаерда йўқайбларни қўйишга ҳаракат қилишарди.

1952 йилда ижодкорлар устидан ақлбодар қилмайдиган суд уюштирилди. Уларни "ҳалқдушмани" бўлиббировактлар қораланган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларга олиб бориб тақаб қўйишди. Суд ҳукми билан ҳар бирига 25 йилдан қамоқ жазоси, 5 йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. 5 йил давомида сурғун қилинди.

Урушдан сўнг мамлакатда ўлим жазоси тайинлаш бекор этилганди. Суд ҳукмидан сўнг маҳбуслар Таймир ярли оролига, Норильск посёлкасига жўнатилди.

1955 йилда унга қўйилган айбларнинг бўҳтонлиги бутунлай фож бўлиб, қамоқдан озод бўлди. Оқланди, давлат гуноҳсиз деб топди. Озодликка чиққанда тлабқи кунларда бунда хабар топган қўни-қўшнилар югуриб чиқишди. Аммо унинг дардқаш, ҳамфикр дўстларидан дарак бўлмади. Ноҳақ тухмат Сталин шахсига сиғиниш давридаги қонунсизлик, истаган одамни асоссиз қамоққа олиш сиёсатининг жирканч маҳсули эди. Усмон Носир ёки Чўлпон китобини ўқиганинг маълум бўлиб қолса борми, қамаш учун шунинг ўзиетарли "ҳалқдушмани" Акмал Икромов ёки Фитратнинг китобини сақлагани учун қанчадан-қанча одамлар бекордан-бекор қамалиб кетди.

Шукруллони қамоққа олишганда унинг хотини ўрта мактабда ишларди. Октябрь ноҳиясидаги 82-мактаб директори, хали тергов тугамасданок уни "ҳалқдушманининг хотини", дея ишдан хайдади. Олти ой бекор юрди. Қанча югур-югурдан сўнг хизматга келди¹.

Большевистик мафкуранинг "жадидчилик пантуризм тарафдори, халқдушмани", "индустрлаштиришважамоалаштиришдушманиқулоқдир, "социализм душмани", "ислом дини тарафдори - халқдушмани", "миллатчилик ⁵СССРхалқлари бирлигининг душманидир", деб бахоланиб репрессия қилишлари 1950 йилларга қадардввомэтди. Сталинча сохта ғоя билан зиёлиларнинг илғор фикрловчи қатлами кириб турибди. Бу қатағонликлароқибатида халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари ҳеч қандай айбсиз ва гуноҳсиз қирғин қилинганлигини, аммо бу жараён юқоридагиларга қарамасдан республикамизда тарихий жараён тўхтамаганлиги ва халқоммасининг яратувчилик ижодкорлик фаолияти давом этганлигини фақат ва мисолларда кўрамиз. Олтин фикрли халқ, оммақатағонликйўлида халок бўлди, аммо уларнинг номи тарих саҳифасидан, инсонлар қалбидан ўчмайди. Улар осмонимиздаги ўчмас юлдузлари каби чарақлаб туради.

20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакат ва республикада тоталитар жамиятнинг хусусиятлари тобора ошқора кўрина бошлади. Бу ҳолат хусусан миллий республикалардаги раҳбар ходимларга нисбатан бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Мамлакатда қарор топган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг раҳбар ўзаги ҳисобланган Бутуниттифоқ коммунистлар (болшевиклар) партияси — ВКП(б) бу пайтга келиб янги иқтисодий сиёсатдан бутунлай юз ўгирди ва «социализм асослари»ни қуришга жиддий киришди.

Мустақил совет режими ўзгача фикрлашга мутлақо тоқат қила олмас эди. Ленин томонидан аллақачон эълон қилинган «Ким биз билан бирга бўлмаса, у — душманимиз!» шиорини Сталин шафқатсизлик билан амалга оширишга киришди. Совет режими даставвал мавжуд тузумга мухолифатда турганларга қарши репрессия (қатағон) сиёсатини амалга оширган бўлса, 30-йиллардан бошлаб ўз халқига нисбатан оммавий террор (қатли ом) қўллади.¹

¹ Нарзулла Жўраев. Юксалиш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 йил. 35 бет.

20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йиллар бошида Ўзбекистонда «ўн саккизлар гуруҳи», «иноғомовчилик», «қосимовчилик», «бадриддиновчилик» сингари ишлар тўқилиши ва Мунаввар Қори бошчилигидаги миллий⁶ зиёлиларнинг қамоққа олиниши натижасида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди.

«Ўн саккизлар гуруҳи» масаласи Ўзбекистон Компартияси МК IV пленуми (1925-йил 19-22- ноябр), РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус комиссияси (1925-йил 21—22-ноябр) ва Ўзбекистон Компартияси II съезди (1925-йил 22—30-ноябр) мажлисларида кўриб чиқилди. Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, вилоятлар раҳбарлари ва йирик хўжалик бошлиқларидан 18 нафар обрўли киши ўз талаблари билан Ўзбекистон Компартияси МК пленуми ва Ўрта Осиё бюросига ёзма равишда мурожаат қилишган эди.¹

Мухтор Саиджонов (Зарафшон округи котиби), Раҳмат Рафиқов (Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари), Иномжон Хидиралиев (Ўзбекистон ер-сув ишлари халқ комиссари), М.Ўринхўжаев, Музаффаров, Махсумов ва бошқа миллий раҳбар ходимлар ўз мурожаатларида республикада ишлаш учун тоқат қилиб бўлмайдиган вазият яратилганлигини, амалда бутун ҳокимият РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси И.А.Зеленский ва Ўзбекистон Компартияси масъул котиби В.Иванов қўлида тўпланганлигини баён қилишди. Улар Москванинг фавқулодда органи ҳисобланган Ўрта Осиё бюросини тугатиш фикрини баён қилишдики, бу гўёки қуёшли осмонда момақалдирок гулдураши билан баробар эди. Ўн саккизлар гуруҳи мазкур талаблар қондирилмаса, ўзларини Ўзбекистондаги вазифаларидан озод қилиб, Москвага — РКП(б) МК ихтиёрига юборишларини сўрашди. 1920-йилда шунга ўхшаш талаблар (Турккомиссияни тугатиш, қизил армияни Туркистондан олиб кетиш ва б.) билан Туркистон МИК раиси Т.Рисқулов Ленинга мурожаат қилган эди. Ўн саккизлар гуруҳининг ҳаракатларини ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев

1 Ўзбекистон совет муштамлақчилиги даврида. Тошкент 2007 й 518 бет

фаол қўллаб-қувватлади. У бу гуруҳнинг расмий аъзоси бўлмаса ҳам, аслида уларнинг ғоявий илҳомчиси эди.

Бироқ Ўрта Осиё бюроси миллий раҳбарларнинг (ўн саккизлар гуруҳига кейинчалик яна бошқа масъул ходимлар ҳам қўшилди) бу ҳақли талабларини нафақат рад қилишди, балки унинг моҳиятини сохталаштиришга муваффақ бўлди. Коммунистик мафкуранинг расмий сиёсати уқтиришича, гўёки ўн саккизлар гуруҳи республикада ер-сув ислоҳоти ўтказилиши ва бошқа тадбирларга қарши чиқиб, бойлар манфаатини кўзлаган. Аслида ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя қилган бу раҳбар ходимлар 1925-йилнинг охиридаёқ Ўрта Осиё бюросининг талаби билан ўз масъул лавозимларидан олиб ташланди.

«Иноғомовчилик» Ўзбекистон маориф халқ комиссари (1925—1926), Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудир (1926-йил) лавозимларида ишлаган Раҳим Охунжонович Иноғомов (1902—1938) номи билан боғлиқдир.

Р.Иноғомов «Ўзбекистон зиёлилари» (1926) рисоласида ўзбек халқи болшевиклар амалга оширган октябр тўнтаришига нисбатан нохуш муносабатда бўлганлигини кўрсатган эди. У ўзининг бир қатор мақола ва нутқларида Ўзбекистон Компартиясининг болшевиклар марказининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) каби Марказнинг назоратчи органларини зўравонликда айблайди.

Р.Иноғомов Ўзбекистон ёзувчиларининг Самарқанддаги «Қизил қалам» жамияти фаолиятини дастлаб йўналтириб турган эди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон Компартияси МК Р.Иноғомовнинг тўғри мулоҳазалари ва унинг фикрига қўшилганларни партиёга қарши «иноғомовчилик гуруҳи» деб айблади ва уларга қарши кураш учун республика партиё ташкилотини оёққа турғазди. 1926-йил 12-декабрда Ўзбекитон Компартияси МК Ижроия бюроси ва пленумида бу масала кўриб

чиқилиб, иноғомовчилик — майда буржуа ва миллатчиликка томон оғиш, деб қораланди. Декабр ойида Р.Иноғомов ўз вазифасидан олиб ташланди. 1927-йил январ ойида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида ҳам бу иш махсус кўрилиб, «иноғомовчилик ўнг оппозиция билан ғоявий яқинликда» айбланди.

Ўзбекистон Компартиясининг III съезди (1927-йил ноябр) Р. Иноғомовни «ғоявий жиҳатдан» тор-мор қилинди деб ҳисоблаб, уни Қашқадарё округининг энг чекка қишлоғига ишлаш учун жўнатади. 1930-йил 30-майда «Правда Востока» газетасида Р.Иноғомовнинг «очик хати» уюштирилиб, у тавба-тазарру қилдирилади.

Шундай қилиб, коммунистик мафкура Ўзбекистонда миллий раҳбарларга қарши курашда дастлабки ғалабага эришди.

Совет режими миллий раҳбар ходимларни фақат лавозимларидан четлатиб, уларни «ғоявий жиҳатдан» тор-мор қилишдан 20-йилларнинг охирига келганда, эндиликда жисмоний маҳв этишга киришди. Бу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Олий суди органларида ўтказилган қатағонлар характерлидир. Марказнинг тазйиқи билан Ўзбекистон Компартиясининг IV съезди (1929-йил 17-феврал—2-март)дан кейин жазо механизми ишга туширилди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимов 1929-йил март ойида лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинди. У бу вазифада 1926-йилдан бошлаб ишлаётган эди. С.Қосимов ва унинг 6 та тарафдори устидан СССР Олий суди сайёр сессияси 1930-йил 26-март — 22- июнда Самарқанд шаҳрида суд жараёнини ўтказди. С.Қосимов билан биргаликда Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ прокурори Бадриддин Шарипов, эски Тошкентнинг собиқ судяси Мирсоат Мирзокиров, Мирзачўл тумани собиқ судяси Иброҳим Хўжаев, адвокатлар коллегиясининг собиқ аъзоси Спиридонов, йирик савдогарлар Насритдин Алимов ва Самиғжонов — жами 7 киши айбдор деб топилди. Марказдан келган жазо органлари (суд раиси — Василев-Южин ва прокурор- Р.Катанян) ишга атайлаб сиёсий тус беришди. С.Қосимов ва унинг тарафдорлари «босмачилар»ни қўллаб-қувватлашда, «аксилинқилобчи

миллатчи ташкилотлар» аъзолари билан алоқа боғлаганликда, ислом динини ҳимоя қилишда айбланиб, уларга «қосимовчилик» ёрлиғи босилди. Ҳолбуки, С.Қосимов ва Б.Шарипов ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида туб миллат манфаатларини имконият доирасида ҳимоя қилишган эди. С.Қосимов тергов ва суд жараёнида СССР Олий суди Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқи ва миллий манфаатларини поймол қилаётганлигини очиб ташлашдан чўчимади.

Совет режими уч ой давом этган суд жараёнини доимий равишда матбуотда ёритиб борди. Лекин унга коммунистик мафкура асосида ёндошилиб, ишнинг моҳияти сохталаштирилди. 22-июнда С.Қосимов, Б.Шарипов, Н.Алимов, Спиридонов отиб ўлдиришга, қолганлар эса 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилди.

Орадан кўпўтмай навбатдаги иш «бадриддиновчилик» ўйлаб топилди. 1932-йил 5-май — 15-июнда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси Шамсутдин Бадриддинов ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёнини ўтказди. Ш.Бадриддинов 1929-йилда Фарғона округи прокурори, кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори лавозимларида ишлаган бўлиб, у ва тарафдорлари 1931-йилда қамоққа олинган эди. Ш.Бадриддиновга «Миллий Иттиҳод» ташкилоти аъзолари ва «босмачилар» билан алоқа боғлаган, Мунаввар Қори ва С.Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган, деган айблар қўйилди. Бу суд жараёнида ҳам прокурори Р.Катанян эди. Ш.Бадриддинов аввал отишга ҳукм қилиниб, сўнгра ўлим ҳукми 10 йил қамоқ муддати билан алмаштирилади. Унинг Муҳаммаджон Хўжаев, Абдурахмон Раҳмонов, Маҳмудхон Аҳмаджонов, Муҳитдин Садихонов, Иброҳимжон Мусахоновлардан иборат 5 та тарафдори ҳам узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинади.¹

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент 2007 й 520 бет

Совет режими суд органларидаги миллий раҳбар ходимларни қатағон қилиш билан биргаликда жазо қиличини маориф жабҳасидаги зиёлиларга ҳам қарши кўтарган эди.

1929-йил 5-ноябрда Тошкентда атоқли жаҳид маърифатпарвари Мунаввар Қори Абдурашидхонов_ бошчилигидаги 38 киши қамокқа олинади. Орадан кўпўтмай қамокқа олинганларнинг миқдори 87 кишига етди. Уларга «Миллий Иттиҳод» ва «Миллий Истиқлол» ташкилотларининг аъзоси деган айб қўйилди. Тергов жараёни кейинчалик Москвага кўчирилди. Бу ҳолат совет режимини ўзбек зиёлиларининг «миллатчилиги»ни фош қилишга жон-жаҳди билан киришганлигидан далолат беради.

Тергов ҳужжатларида ёзишча, 1919-йилда Мунаввар Қори бошчилигида Тошкентда «Миллий Иттиҳод» ташкилоти махфий равишда тузилган эди. 1920-йилдан ташкилотнинг Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда шўбалари ташкил қилинган. 1920-йил октябр ойида Мунаввар Қорининг Бухоро шахрига келиши ва маориф нозирлигида ишлаши билан ташкилотнинг минтақадаги маркази Тошкентдан Бухорога кўчади. Декабр ойининг охирида Аҳмад Заки Валидийнинг Бухорога келиши ташкилот фаолиятини янада кучайтириб юборган. «Миллий Иттиҳод» ташкилоти аъзолари истиқлолчилик ҳаракатининг етакчилари билан алоқалар ўрнатиб, уларга ғоявий раҳнамолик қилишган эди.

1924-йил охирларида ташкилотнинг маркази қайтадан Тошкентга кўчади. Ўзбекистон ССР тузилгач, 1925-йилда унинг асосида «Миллий Истиқлол» ташкилоти ташкил топади. Бу пайтга келиб совет ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган кўплаб маҳаллий коммунистлар ташкилотнинг махфий аъзолари эди. Мунаввар Қори билан биргаликда Файзулла Хўжаев ва Фитрат ташкилот фаолиятида муҳим рол ўйнашган. Бироқ «Миллий Истиқлол» ташкилоти тоталитар режим кучайган 20-йилларнинг охирида сиёсий фаолиятни қарийб тўхтатган эди.

1931-йил 25-апрелда Москвада бўлиб ўтган суд мажлисида Мунаввар Қори, Салимхон Тиллахонов, Ғулом Икромов, Мирхалил Каримов, Нажмитдин

Шерахмедов, Толибжон Мусабоев, Асадулла Хўжахонов, Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Исроилжон Иброҳимов, Тангрикулҳожии Мақсудов, Ҳасанқори Хоний, Зайниддинқори Насритдинов, Мулла Ғайбулла Дадамуҳамедов, Абдуллабек Мусабоев, Саид Аҳрорий каби 15 миллат фидойиси — «Миллий Истиқлол» аъзолари отишга, қолган 72 киши эса узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм қилинди. Лекин қамокдан деярли ҳеч ким қайтиб келмаган.

1930-йил август ойида Ўзбекистон халқ маориф комиссарлигидаги бир гуруҳ раҳбар ходимлар ҳибсга олинади. Улар ичида маориф комиссари Маннон Рамзий (Абдуллаев, 1896—1938), унинг ўринбосари Боту —Маҳмуд Ҳодиев (1904—1938), шунингдек, Олтой — Боис Қориев (1903—1976), Носир Саидий ва бошқалар бор эди. Улар маориф тизимини «миллатчилик оғуси» билан заҳарлаганликда айбланиб, бу ҳолат «маориф фронтида қосимовчиликнинг намоён бўлиши» деб қораланди. Боту ва унинг тарафдорлари 10 йил қамок жазосига ҳукм қилинади.

1930-йили Давлат банки аппаратида «тозалаш» ўтказилиб, кўплаб раҳбар ходимлар қамалди. Бошқа суд ишлари ҳам ўтказилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги етук миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларни тугатишга, халқимизни тоталитар режим асорати остида тутиб туришга қаратилган эди.

Бу пайтда тоталитар режимда маъмурий-буйруқбозлик ва авторитар бошқарувнинг кучайиши натижасида қонунбузарлик ҳодисалари оддий ҳолга айланди. Совет мустабид тузуми бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам оммавий қатағонларни авж олдирди. Йирик давлат ва жамоат арбоблари, партия ва хўжалик раҳбарлари, зиёлилар, руҳонийлар ва ҳарбийлар билан биргаликда оддий кишилар: ишчилар ва колхозчилар ҳам кўплаб равишда қатағон қилинди.

Ўзбекистонда сиёсий қатағонлик 1937-йилнинг ёзида айниқса авжига чиқди. Ўзбекистон ХКС раиси Файзулла Хўжаев, унинг кейинги ворислари Абдулла Каримов, Султон Сегизбоев, Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби

Акмал Икромов, молия халқ комиссари (наркомфин) Акбар Исломов, ер ишлари халқ комиссари (наркомзем) Рустам Исломов, маориф халқ комиссари (наркомпрос) Қосим Сорокин, ички савдо халқ комиссари (наркомвнутторг) Муҳитдин Турсунхўжаев, соғлиқни сақлаш халқ комиссари (наркомздрав) Карим Абдуллаев, Ўзбекистон Компартияси МК котиблари Содик Болтабоев, И.Худойқулов, А.Сехер, бўлим мудирлари Мўмин Усмонов, Қурбон Берегин, Мирмуслим Шермухамедов, Камол Шарипов, Қорақалпоғистон обкоми котиблари Давлат Ризаев, Комилжон Алимов, Ўзбекистон ЛКСМ МК котиблари Исроил Ортиқов, Ф.Тарасов, шунингдек, яқин ўтмишда масъул лавозимларда ишлаган Раҳим Иноғомов, Мухтор Саиджонов, Ота Пўлатович Хўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Султонбек Хўжанов, Убайдулла Хўжаев, (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев), Пўлат Солиев, Миркомил Миршаропов, Муинжон Аминов, Мусо Саиджонов, Мукамил Бурҳонов, Абдулхай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаев, Жўра Тўрабеков, Нишонбек Мавлонбеков, Д.Манжара, республикадаги вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарлари, бошқа кўплаб хўжалик ходимлари қамоққа олиниб, терговдан кейин СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг қарорига биноан отиб ташланди.

20-йилларда Туркистон республикасида масъул лавозимларда ишлаган: Турор Рискўлов, Қайғусиз Отабоев, Назир Тўрақулов, Санжар Асфандиёров, Абдулла Раҳимбоев, Нодирбой Айтақовлар 1937— 1939-йилларда қамоққа олиниб, мустабид совет режими томонидан йўққилинди. Ўзбекистондаги сиёсий элита «миллатчилик ва совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш»да, шунингдек, қуролли қўзғолон кўтаришни тайёрлашда айбланди.

Ўзбекистон жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди. Давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик раҳбарлари билан бир қаторда миллий зиёлилар оммавий равишда қатағон қилинди. XX аср ўзбек маданиятининг бебаҳо юлдузлари Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий бир кунда — 1938-йил 4-октябрда Тошкент шаҳри атрофида отиб ташланди. 4-

октябрда қамоққа олинган кўплаб юртдошларимиз оммавий равишда қатл қилинган.

Усмон Носир, Маннон Рамзий, Элбек — Машрик Юнусов, Босит Қориев, Миёнбузрук Солиҳов, Ашурали Зоҳирий, Зиё Саид — Қосим Солиҳов, Муҳаммадшариф Сўфизода, Ишоқхон Ибрat, Тавалло — Тўлаган Хўжамёров, Ғози Олим Юнусов, Ғози Юнусов, Ғулом Зафарий, Отажон Ҳошимов, Қаюм⁸ Рамазонов, Шокир Сулаймон, Анқабой Худойбахтиев каби ўзбек халқининг кўплаб зиёлилари: шоирлар, адиблар ва олимлар қатағон қилинди.¹

Шунингдек, 20-йилларда Германия ва бошқа мамлакатларда ўқиб Ўзбекистонга қайтган зиёлилар ҳам қатағон гирдобига тортилди. Абдуваҳоб Муродий, Султон Жаббор, Солиҳ Муҳаммад, Хайринисо Мажидхонова ва бошқа кўплаб зиёлиларимиз «Германия жосуси» сифатида айбланиб, отиб ташланди. Германияда ўқиб қайтганлардан фақат хоразмлик Марям Султонмуродова 15 йиллик қамоқ муддатида сўнг, юртига қайтди.

1937—1939-йилларда Ўзбекистонда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Умуман олганда, 1937—1953-йилларда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги — НКВД тройкаси (учлиги) томонидан 100 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди, улардан 13 минг нафари отиб ташланди. 1936—1940-йилларда фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинган эди. Бу маълумотлар қизил террор қанчалик кенг миқёсда шафқатсиз равишда амалга оширилганлигининг яққол исботи ҳисобланади.

Қизил террорни амалга оширишда Москвадан жўнатилган Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Д.З.Апресян, унинг ўринбосари Л.И.Леонов-

1. Н. Мухитдинов. "Кремлда ўтган йилларим". Тошкент, "Ўзбекистон" 1995 йил.

Немировский, Тожикистон ички ишлар халқ комиссари Н.А. Загвоздин, чекистлар Триғулов, Акжигитов машъум рол ўйнади. Совет режими ўзининг бу гумашталарини ҳам ўша йиллари отиб ташлади.

Шундай қилиб, 30-йилларнинг охирида Ўзбекистонда мустабид совет режими ўз ҳукмронлигининг чўққисига кўтарилди. Коммунистлар демократия ва шахс дахлсизлиги принципларини оёқости қилиб, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни зўравонлик билан янчишга эришди. Тоталитар режим нафақат ўзига қарши чиққан минглаб миллат фидойиларини, балки гуноҳсиз ўн минглаб одамларни ҳам террор (қатли ом) қилди. Совет режими ўзининг репрессив (қатағонлик) сиёсатини кейинги йилларда ҳам узлуксиз давом эттириб, ўзбек халқи бошига мислсиз азоб-уқубатларни солди. Лекин халқимиз юрагида мустақилликка бўлган ишонч ва истиқлолга эришиш орзуси асло сўнмади.

Асоссиз қатағон қилинганларни оқлаш аслида Сталин вафотидан сўнг — 50-йиллар ўрталарида бошланган эди. Натижада ўшанда Ўзбекистон бўйича қатағон қилинган (ҳалок бўлган ва қамокда ўтирган) лардан 40000 киши оқланди. 80-йилларнинг охирида яна бир гуруҳ кишилар оқланди. Лекин уларни оқлаш коммунистик мафкура талаблари остида амалга оширилиб, бу жараён охирига етказилмади. Бунинг устига уларни оқлаш янги кишиларни қатағон қилиш билан бир пайтда амалга оширилди. Мустабид тузум даврида бундай бўлиши табиий эди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан кейин қатағон қилинганларнинг кўпчилиги ҳуқуқий жиҳатдан оқланди. Уларнинг порлоқ номлари тикланди. Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2000-йил 12-майда Тошкент шаҳридаги Юнусобод мавзесида — Бўзсув бўйида Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи очилди. У мустабид совет режими даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган бўлиб, миллат фидойиларининг аксарияти шу ерда отиб ташланган эди. И.Каримов ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида коммунистик режим қатағонларининг асл моҳиятини қуйидагича очиб берган эди: «Зулм ва

зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллий кадр-қиммати тегис англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳиблари жисмонан йўққилинди... Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчиларнинг беғуноҳқурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир».

Фан ўқитувчиси дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга савол ва топшириқлар беради, дарсинг охирида берилган қуйдаги саволларга ўқувчилар жавоб беради.

Савол ва топшириқлар «Ўн саккизлар гуруҳи» ва «иноғомовчилик» деганда нимани тушунасиз?

Совет режими нима учун ҳуқуқ ва маориф тизимида қатағонларни авж олдирди?

«Миллий Иттиҳод» ва «Миллий Истиқлол» ташкилотлари қандай фаолият кўрсатган?

Сталин қатағонлари Ўзбекистонга қанчалик зарар келтирди?

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотираси Мустақиллик даврида қандай эъзозланмоқда?

Ўзингиз яшаб турган маҳалла ёки қишлоқда қатағон қилинган кишиларнинг рўйхатини тузишга уриниб кўринг.

Тарих фани ўқитувчиси фаол қатнашган ўқувчиларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириши лозим. Бу эса АЛ ва КХК ўқувчиларни тарих фанига бўлган қизиқишини янада орттиради ва дарсга бўлган фаоллигини кучайтиради.

Абдурауф Фитрат «Хуррият» рўзномаси (1917—18 йилларда 86 сони нашр этилган) саҳифаларида эълон этган учсочмасивабиршеърини «Юрт қайғуси» деб атади. У мазкур туркумни «Ватан ҳасрати», «Халқ дарди» дея баландпарвоз, жарангдор номлашдан ўзини тийди. Ва бу сирадаги дастлабки

мақоласини ўзи муҳаррирлик масъулиятини зиммасига олган куни, яъни, 1917 йилнинг 28 июлида чоп эттирди. Худди шу куни Петроградда «Июль воқеалари» деб аталган шармандалиқ ўзғалишлар барҳам топиб, Ленин бошлиқ большевиклар икки ҳокимиятчилик мувозанатини зўравонларча бузиб ташлаб, қуролли тўнтариш йўли билан ҳокимиятни олишга ният қилишган эди. Қарийб етмиш йил давом этган йўқсиллар зўравонлиги (пролетариат диктатураси)нинг ибтидоси амалда ўша кундан бошланган эди. Фитрат ёзади: «Эйулуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Нечук кунларга қолдинг? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун ўйдилар? Нечун...» Фитрат бу сатрларни Петроград воқеаларини назарда тутиб ёзмаган эсада, мазкур зўравонлик (диктатура) бундан роппа-роса икки юз йил аввал зобит Пётр томонидан Хивани, Туркистонни босиб олиш учун юборган 3727 пиёда, 617 отлик, икки минг казак, 230 денгизчи, 22 тўп билан йўлга чиққан князь Бекович-Черкасский отряди бошлаган босқинчиликнинг мантиқий давоми эканини чуқур ҳис қилганди. Ўртадаги икки юз йиллик фарқнинг қалин пардалари бир оз кўтарилса, Пётр «Хива, Туркистон билан тотув муносабат ўрнатиш мақсадида» буишга журъат қилган бўлса, Ленин «пролетариат диктатураси» ниқоби билан ҳаракат бошлаган эди. Фитрат «кимсасизлик юкидан ориғланган танда золим она урулган қамчиларнинг яраси бор», деб ёзаркан, на Пётр юришини, на Ленин зўравонлигини назарда тутмаган ҳам бўлиши мумкин. Бироқ «бош-оёғлари яланғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботган, бакирурға товуши, қутил урға кучи қолмаган» Ватан хаёлини мунгли хотун қиёфасида тасаввур этиб, «Золимлар сени кимсасиздек кўрдилар? Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен бутун борлуғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози... Устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман» (Ўшагазета, 31-сон), дея курашга бел боғлаганда, шубҳасиз, рус зобитларини назарда тутган. Фитратнинг бу мардона хитобларига аниқлик киритиш зарурати туғилса, айтиш мумкин 1917 йилнинг бугдой пишиғида кечган қирғинбарот жанглардан Фитрат асарларига томган, «Хурриятнинг сарғайган варақларига сингган ўша қонларнинг доғларини аниқроқ илғаш қийин эмас: «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир. Бутун ёлғизгина отларини тарихда қўйиб кетган эл-улусларнинг эзилиб кетдикларига биринчи сабаб шул айрилик, шул иттиҳодсизликдир... Биз туркистонликлардаги бу иттиҳодсизликдан кўпроқ фойда кўрган, каттарок осиглангон эски Русия ҳукумати эди...» Шу ўринда Фитратнинг сўзларини бўлиб, Туркистон генерал-губернатори Духовский ўз императори Николай II га 1899 йили ёзган баённомасидаги мана бу сўзларни ёдга олайлик: «Буюк оламpanох, Сизбошқараётган ҳозирги буғ ва электр асрида ҳамма миллий нифоқларни текислайдиган, ўзаро нифоқлардан кучланган умумий тинчлик ғояси ва бунга қандай қилиб бўлса ҳам интилиш чуқур мулоҳазали иш бўлур эди». Айтиш мумкин шу даъват ва тасдиқда Фитрат мулоҳазаларининг индаллоси айтилган эди. Мақолани ўқишда давом этамиз: «Қуллуқлар улуг тангримизгаким ўлмак, шу золим ҳукуматнинг йиқилдиғини кўрдик. У золим ҳукумат йиқилди. Русиянинг эски ҳукумати билан биргалашиб, орамизда нифоқ ва айрилик кўрғонларининг дахийиғилиб кетмаги керак эди (Духовскийорзуётган), лекинб у қорақўрғонлар ҳолойиқ илмади, ҳоло эскичида минисаклаб турибдир» (25-сон). Фитрат бунда «янги ҳукуматнинг саодат ваъдаларидан фойдаланурға» даъват этсада, бу ҳукумат орадагини фокларнинг камайиши эмас, аксинча, уни кучайтиришга уринаётганини англаш мумкин. «Мусулмонлар, ғофилқолманг!» (33-сон), «Биринчи чорамиз» (34-сон), «Шўройи исломнинг хатоси» (36-сон) мақолаларида эса шаҳар думасидан, Шўро сайловидан фойдаланиб, думада кўпроқ овоз олиб, демак, мусулмонлар

ҳақ-ҳуқуқларини ҳал қилувчилар рўйхатига ёзилишга интилаётган шаҳардаги рус, армани, жухудларнинг найрангларидан мусулмонларни огоҳ бўлишга чақиради ва бу йўлда улар билан иттифоқ қилган «Шўройи ислом»нинг хатосини кўриб, ажабсинади: «Ажаб, Шўро жамияти (Шўройи ислом) назарда тутилмоқда) нечун шуни тушунмайди?.. Шўро шу масалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушунсин ва ортуқ қайси номер рўйхатга тавуш бермак керак ⁹эдилигини тайин этсун» (36-сон). Бунинг учун эса элния на «иттифоқ этмакка» (46-сон) чақиради: «Бугун ер юзида саксон милиион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Чингизларнинг, Темурларнинг қонидур». У буларнинг кучи дунёнинг ҳар ёнига тарқалган Туркулусининг кучи эканини яна бир борэслатиш баробарида Темур олдида, унинг сағанасига бош уриб, Турк юртининг қайғулари тарихидан сўз очади: «Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бусағанангдан даво излаб келдим, ҳоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган қонли кўз-ёшларим этакларингга тўкарга келдим. Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгали келдим. Номусини бад кишиларнинг оёғлари остинда кўруб турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти ошғай, тумуғ оловлари каби сачрағай. Лекин ўз кучсизлигини англаб айтиб ўтирган ва қон йиғлаган турклик ҳолини арз этарга келдим, ҳоқоним!»¹ (47-сон). Туркларнинг муқаддас ўчоғиниз олимларнинг оёғлари остидан тозалашга уруниш айнаи ўша 1917 йилнинг кузидаги воқеаларга дахлдор, бироқ «ўз кучсизлигини англаб, қайтиб ўтирган» деганда Фитрат« асосан, икки фирқага тақсим этилган» Бухоро уламосини асл йигитларини узок Русия учун мардикорликка бериб, ўзи ҳимоясиз қолган Туркистонни, «Биринчи жаҳон уруши» деб ном олган чалкаш савашлардан ўзига бирор хулоса қилаолмай, «Англиз ўйунлари» олдида ожиз қолган зиёли ва сиёсатдонларни, юрт олдида турган қатор чалкашликларни назарда тутди. Бунинг устига «иккинчи йўла

¹ "Ишонч", 1998 йил 24 февраль

қўзғолон большевик балоси» (49-сон) ва улар «инқилоб» деб атаган Петрограддаги тўнтаришларнинг сабабларини ўзга зитхонларига тушунтирмакчи ва бунда биз« туркистонийлар учун хатарсиз йўл»ни белгилаб бермакка уринади. Бир томонда, «Бухоро хонлигида очлик» давом этаётган, иккинчи томондан, ўрис тўралари ва англиз зодагонлари Туркистонга эгалик қилиш учун яширин мушоҳадалар (55-сон) олиб бораётган бу кунларда, «туркликнинг қонини қайнатгувчи, имонини юксалтгувчи бир қувват берган бир суюнчли сўз» (57-сон) туғилди: «27 ноябрнинг кечасинда миллий лайлатулқадримиз бўлган Туркистон мухторияти» эълон қилинди. «Шул қоп-қоронғу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз каби ялқиллаган» бу мухториятни олқишларкан, Фитрат« маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтган, ёруғсиз турмаларда ётган, йиртқуч жандарманинг тепғуси билан йиқилган, ёндирулган, осилган «диндошларимизнинг ҳолатини арз этади: «Элли(к) йилдан бери эзилдик, таҳқирэтилдик, қўлимиз боғланди; тилимиз кесилди, оғзимиз қоплонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасбқилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди—тўзумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруқга бўйсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, имонларимизга ўраб сақладик: Туркистон мухторияти!» (57-сон) Фитрат гарчанд «демократия ҳақга таяниб, ҳар бир миллатнинг ўз ҳақларини қайтариши» га ишонса ҳам, буни мухториятдан кутиб, унинг келажагига илҳақ қараса ҳам, бу олдинда бўлажак курашнинг «бисмиллоҳи» эканини, Мухторият эълон қилинишининг ўзи билан юртдошларимиз озод бўлиб қолмаслигини, уни асрашга, барқарор қилишга куч ва қувват, маблағ ва идрок зарурлигини ўша кунийёқ уқтирганди.

1917 йилнинг 5 декабрида эълон этилган мақоласидансўнг 1918 йилнинг бошларида 62-сондаги «Бухоронинг ҳоли» мақоласига қадар «Хуррият» саҳифаларида Фитрат «кўринмайди». Деярли ҳар бир сонда бирор мақола, хабар ёки маслаҳат билан қатнашаётган Фитратнинг қарийб бир ойдан мўлроқ

вақт мобайнида газитда «кўринмаслигининг сабаби тўғрисида (ҳозирча) турк олими Аҳмад Заки Валиди Тўғоннинг «Хотираларинда айтилган «Фитрат Туркистон мухториятининг даъвати ила Қўқонга борди», деган маълумотдан ўзга бирор гап айтаолмаймиз. Хуллас, Фитрат «Бухоронинг ҳоливида ёзади: «Русия инқилоби; императорнинг тахтдан тушгани, рус ҳукуматининг халқ кўлига кўчдиғи Бухоро ҳукуматиға инқилобнинг ҳақиқати ва инқилобчиларнинг тилакларини билдурди. Инқилобчиларнинг ҳимоясига сиғингон ёшлардан Бухоро ҳукумати бироқ кўрқди». Демак, шу руҳдан аланга олиб, имкониятни бой бермай инқилоб сари ҳаракат қилмоқ лозимлигини Фитрат тушунади: «Яхши сўзлар билан, тавозелар билан, ёлбўришлар билан Бухоро Ҳукуматини йўлга кетурмак бўлмас. Золимнинг... табиатиға ўхшаш бир табиати бордир: қочғонда қувар, қувғонда қочар. Золимларнинг шул табиатларини, шу «аҳволируҳия»ларини кўзда тутмай-ин ҳаракат қилатурғонлар хато йўлдадирлар, зарар кўрарлар. Кўрқмайин, тортинмайин кескинроқ ҳаракат қилмоқ керак буқун... Мунча адолат ва ҳаққоният қуёшлари билан ёруғон, ойдинлашган бир қитъанинг ўта сохта, инсофсизлик қоронғуси туролмас, йўқолур». Шундай даъват ва чақириқлар билан Фитрат Бухоронинг қоронғудан чиқиши учун йўл ахтаради, ҳатто рус ишчиларига-да рғашмоқчи бўлади, бироқ вазиятни, ўрис тўраларининг зобитлик тарихини яхши билган адиб бу йўлда ўрис ишчиларига-да эргашиб бўлмаслиғини уқтиради (63—64-сонлар) ва натижада. Бухоро учун айрича бирийўл—инқилоб зарур, деган хулосага келади. Фитрат «Бухорода инқилоб» туркум мақолаларида ёзганидек, «халқ оғзинда бир тушиб қблди: Бухорода ҳуррият бўлар экан. Муни ёшларнинг Николай билан рус консулхонаси қила(р) экан». Фитрат Бухоронинг инқилоб йўлини белгилар экан, аввало бу миш-мишларга аниқлик киритмоқчи бўлади, яъни, 1918 йилда юз берган қатор ҳодисаларни таҳлил қилиб, халқнинг кўзини очмоққа ва ана ундан кейин бу ҳаракатни инқилоб сари бурмоққа ният қилади. Шу мақсадда «мана бул рисолани, шунларни англамоқ учун кўлимга олдим. Нечаким ҳақиқатни халққа онгламоқдир. Ҳақиқатни бутун очиб

англата билмак учун бул рисолаи уч бўлакка тартиб этдим. 1) Бухоронинг ҳоли. 2) Фитнасоатлари. 3) Ёшларнинг тилаклари» (69-сон). Афсуски, рисолаининг биринчи қисми эълон этилган, холос. 1918 йилги қонли воқеалардан Сўнг, «Хуррият» ёпиб қўйилди.

1917-18 йиллар Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий таъсис этган ва Фитрат «эл рўзномасига айлантирган «Хуррият» газети саҳифаларида эълон этилган Фитрат қаламига мансуб «Туркистонда руслар» номли мақолани муштарийларимиз эътиборига ҳавола қилиш баробарида «Юрт қайғуси»да битилган ушбу сўзларнинг ҳеч бўлмаса етмиш беш йил кейин рўёбга чиқишига ниятдошмиз: «Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!»

1.2. 1950 йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилиниши жараёнини, интерфаол методларда ўрганиш.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига Ўзбекистон тарихи дарсидан ўтиладиган “Қатағонлик сиёсати” мавзусини интерфаол методлар асосида ўтиш лозим. Бунинг учун қуйдаги методларга аҳамият бериш керак:

Педагогик жараёнининг самарали ва натижали бўлишини таъминлайдиган интерфаол услублар

1. КОГНИТИВ (cognito - лотинча сўз бўлиб, «билим», «билиш» маъносини англатади) - энг аввало, талаба (ёки ўқувчи)ларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган, у ёки бу шаклда жамоа муҳокамасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган услубдир.

2.ЭКСПЕРИМЕНТАЛ талаба (ёки ўқувчи)ларнинг «жонли», шахсий тажриба орттиришларига йўналтирилган.

3. РОЛЛИ ЎЙИНЛАР, МОДЕЛЛАШТИРИШ ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ҳамда маълум ролларни ижро этиш оркали уларни синаб кўришга йўналтирилган (*услуб жамоа тафаккури, муҳокама билан боғлиқ, аммо муҳокама ролли ўйин таулили асосида олиб борилади*).

4.ФАСИЛИТАЦИЯ (инглизча fasilitate - осонлаштириш) - гуруҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, ҳақиқий, амалий тоишириқлар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг ҳақиқий режасини ишлаб чиқиш, ҳақиқий, можароли манфаатларни мувофиқлаштиришга мўлжалланган.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ (КАНАЛЛАРИ)- қабул қилишнинг энг мухим филтрларидан бири-қўриш, эшитиш, хис-туйғудир. **ВИЗУАЛ** - қўриш орқали қабул қилинадиган ахборот (образлар, расм, фильм).эшитишорқалиқабул қилинадиган ахборот теббр.

КИНЕСТЕТИК (грекча «кинес» - «харакат») – хис қилиш орқали қабул қилинадиган ахборот.¹¹⁰

АҚЛИЙ ХУЖУМ

Бевосита жамоа бўлиб «фикрлар хужуми»ни олиб бориш. Бу услубдан мацсад- мумкин кадар катта микдордаги гоеларни йигиш, талаба (ёки у^увчи)ларни айна бир хил фикрлашдан х,оли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгилдир.

«Интерфаол»- *umШмизта сўз бўлиб*, «interact» : «inter» - «ўзаро» ва «act»- «харакат қилмок», уларни умумлаштирганда эса, «Интерфаол» - «ўзаро II харакат қилмок» маъносини англатади.

Ineraction- ҳамкорликни (бошқалар билан) билдиради.

Ўзаро ҳаракат турлари: ўқитувчи - талаба (ёкиўқувчи); талаба (ёки ўқувчи) - талаба (ёки ўқувчи);

ўқитувчи - талаба (ёки ўқувчи)лар; талаба (ёки ўқувчи)лар- талаба (ёки ўқувчи)лар; талаба (ёки ўқувчи) -талаба (ёки ўқувчи)лар; талаба (ёки ўқувчи)лар - ўқитувчи.

Сталин нихоятда хато концепцияни - социализм тамойилларига илгарилаган сари синфий курашнинг кучайиши тўғрисидаги концепцияни илгари сурди. Масалан, Сталиннинг сиёсати билан "Партия XVII съезди қатнашчиларининг ярмидан кўпи: 1366 та одамдан 1108 нафари йўққилинди. Марказий Комитетнинг аъзолари ва аъзоликка номзодлардан 139 нафаридан 98 нафари ўлдирилди, йил сайин қатағон қилишлар кўпайиб борди"¹. Бундай фактларни

1 Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент 2008 й 100 бет.

¹Совет жамияти тарихи саҳифалари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1991, 307-бет.

биз барча республикалар мисолида кўплаб келтиришимиз мумкиндир. Партия XVII съезди томонидан очиб ташланган ҳақиқатнинг аччиқ сабоқлари ўтмишимизга жамоатчиликнинг қизиқишини жонлантириб юборди... Бундан ташқари яна Ўзбекистон Республикасининг мустакил бўлиши ҳам, бунга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон мисолидаги маълумотлар қўлланмада ўз аксини топгандир.

Собиқ совет даврининг 80-йилларида "Ўзбеклар иши" деб номланган иш бошланди. Бу республикада юз берган тухмат ва маломат тошларининг иккинчи маротаба юз бериши эди.

Марказдан келган Гдлян ва Иванов ўртоқлар "пахта иши", "Ўзбеклар иши" деб мзхсус ишларга қўл уриб, 17 минг ўзбекистонлик кишиларни хибсга олди.

Ҳамма жойда ярамас қонунсизликларга қарши кураш олиб борилди ва тергов тафтиш ишларида номакбул усуллар қўлланилди...

СССР деган оч бўри 80-йилларга келиб яна қонсирай бошлади. Аммо бу даврда шароит бироз нозиклашган "ошкоралик", "демократия" деган сўзлар пайдо бўлиб, халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни ўрганаётган эди. Устига устак мамлакатнинг жамики шаҳару-қишлоқларида узоқ йиллардан бери авж олиб келаётган давлат мулкани талон-тарожкилишлар, ўғирликлар, кўзбўямачиликлар, қўшибёзишлар "оч бўрини жар ёқсига олиб бориб қўйган эди. Бундай нозик замонда мамлакат бўйлаб қирғин ўтказаш хавфли оқибат хунук тугаши мумкин эди.

Кремль зўравонлари катта ресубликанинг бошини авраш орқала бошқаларнинг кўзини ҳам мошдай очиб қўймоқчи бўлишди. Қатоғон майдони этиб Ўзбекистон танланди. Тўғри Ўзбекистондаги қўшиб ёзашлар Ростовёки Москвадаги, Белоруссия ёки Украинадаги кўзбўямачаликлар олдида ҳеч гап эмасди, бу Полит бюрога ҳам беш қўлдай аён эди. Амао Полит бюро ўз уруғларининг сир-асрорларини фош этгиси келмади. Ўзбек халқининг андишали, чидамли, тош келса кемириб, сув келса симириб индамай кетавериши, айнаи чоғда, республика қўғирчоқ ҳукумати тепасига ношуд

шахсларнинг чиқиб қолиши эса уларда шум ниятни амалга ошириш учун қўл келди. Қатағон шиори ҳам оппо-осон топалди - "ўзбеклар иши", "пахтаиши".

Минг-минглаб бобо деҳқонларамиз тухмат балосага учрада, уйдирма айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилди, ардоқли адибимиз Одил Ёқубов, айтганидай, 130 йил давомида феодаал замондаги занаирлардан баттаррок ишлаб, яшаб келган ўзбек деҳқонининг машаққатли меҳнати охир-оқибат ана шу тарзда "сийланда". Бу ҳам камлик қилгандай "Ўзбекистон Россияга боқиманда" деб аюханнос солинди. Аммо Россия,Белорусь,Украина, Болтиқбуйи тўқмачалак фабрикалари истеъмол қилган пахтананг 70 фоизини Ўзбекистон етказиб бераётгани,олтиннинг учдан бир қисми шу заминдан қазиб олинаётгана ҳақида, газни марказга узатаб, ўзи ўчоғига тезак қалаб ўтиргани ва, энг аянчлиси шунча меҳнат, шунча бойликка қарамай, ўзбекларнинг турмуш даражаси империя мустамлакалари ўртасида энг сўнгги ўринда туришиҳақида лом-мим дейилмади.

70-йил текинени еб мазахўрак бўлиб қолган жаноблар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳаммаломат ёғдиришдан ўзларини тия олишмади. "Ўзбекистон мустақил яшай олмайди", дея алаёзада ингранишди. Бироқ давлатимизнинг салкам етти йил эркин хаёти башоратбозларнинг энг сўнгги идеалларини пучга чиқариб ташлади. Яқинда бўлган "пахта иши", "ўзбек иши" кампанияси аслада 30-50-йиллардаги қатағонларнингмантикий давоми эди. Амалда бу кампания 80-йилларда эмас, анча олдинроқ бошланган, 1979 йили ДОСААФ нашриётида чоп этилган "Клуб служебного собиқ оводства" тўплами, "Молодой коммунист" журналининг 1982 йил 2-сонида босилган Б.Калачев ва С.Поляковларнинг "Маиший ислом" деган мақоласи ҳам бу репрессияни "Маънавий жиҳатдан" "оқлашга" қаратилган уринишлар эди.¹

Булар энди яширин эмас, ошкора камситиш, ҳақорат эди! майли, ўша тўпланда "Итларга қандай лақаб қўйиш керак?" деган мақола билан қатнашган

¹Мустақиллик бу ҳуқуқ. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997. 28-бет.

И.Духновский деган кимсанинг итдан бошқа ташвиши йўқ бўлақолсин. Аммо шу китобни юз минг нусхада чиқарган ноширлар Духновский итларга лақаб сифатида тавсия қилган ўнлаб номлар инсонлар исми эканини билмаганми?

"Молодой коммунист" журналининг раҳбарлари бутун бошли халқларга очикдан очик тухмат қилаётганини тушунмаганми? Тўғри ўша пайтлар Ўзбекистонда қўшиб ёзишлар, порахўрликлар бўлган, аммо бундай "хунар"лар бутун Совет мамлакатада авж олганди, шекилли! "марказ" эса репрессия учун айнан Ўзбекистонни бежиз танлагани йўқ. Бизнинг лоқайдлигимиз, айримларнинг нохақлигимиз уларга яхши маълум эди... Негадир бизнинг ўтмишимиз яна "Совет даври" деб аталган даврда айнан Сталининг 30-йиллик ҳукмронлиги даврида қатағон қилишлар, 80-йилларда "ўзбеклар иши" ва "пахта иши" ниқоби остида кўпгина халқимиз озодликдан маҳрум бўлиб, қолдилар. Шу йилларда юз берган нохушликларнинг сабаби, илдизлари ва мохиятини чуқур ўргангани ҳар бир тарихчи ҳассиснинг долзарб муаммоларидан биридир.

Бўлажак тарихчилар Ўзбекистон шароитида давлат қонунларининг бузилиши ва шавқатсизларча қатағон қилишларнинг натижаларини таҳлил қилиш лозимдир.

Хулоса шундан иборат бўлдики, Ўзбекистон "олтин бошли" одамларидан ажралди. Натижада Республикамиздага социал ва иқтисодий риожланишлар бирмунча орқага кетди...

Мазкур

қўлланманинг биринчи бўлимида дастлабки қатағонликнинг юзбериш сабабларани Ўзбекистон Республикаси мисолида ёритиб берилган.

Иккинчи бўлимда, собиқ Совет давридаги қатағонликнинг юзбергани, 80-йиллардаги советларга қарши тухмат ва маломат тошларининг беғунох халқустидан ўрнатилиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлили берилган.

Учинчи бўлимда эса, Гдлян ва Ивановларнинг марказдан келаб Ўзбекистон Республикасида улар худди сахна орқасидаги режиссёрлар сингари ишкўрдилар,

ундайномақбулйўлларбиланодамларнингнозикхис-
туйғуларигатаъсиркўрсатдилар, "АгарГдлянбиланИвановгаайримсиёсатчилар
пишанг бермаганида, агар бу икки терговчи уларга вайрон килувчи куч
сифатида керак бўлмаганида эди, бу ходиса шу
қадарзўрайибкетмаганбўларэди"¹¹.

Гдлян билан Ивановларнинг
ноҳақликсиёсатибиланолибборганишигаЎзбекистонРеспубликасиПрезиденти
томонидан чек
қўйилганлигиҳақидагификрлартўртинчибўлимдаўзаксинитопган.

ГдлянваИвановларнингтерговчиликфаолиятидайўлкўйганқонунсизхатти-
ҳаракатларитўғрисидагиишларнибатафсилбаёнэтилган.

Мазкур қўлланмадашундайхулосагакелиндики, "бу бизнинг жафокаш,
олийҳиммат
халқимизганисбатануюштирилажакхарқандайуйдирмавабўхтонларохрокибатд
акоп-
коратутундекбуруксизйўқликсаридафбўлишимуқаррарэканлигиниянабирқаррат
асдиклайди" ¹

¹¹¹¹"Қабохат ёхуд...", Тошкент, "Ўзбекистон", 1933, S-бет.

¹ И.Усмонов. "Қатағонқурбонлари". Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 йил

II. БОБ. Қатағонлик даврини ўрганишда интерфаол методлардан фойдаланиш

2. 1. “Ўзбек иши”, “Пахта иши” сиёсий масаласини АЛ ва КХК да интерфаол усулларда ўтиш.

Иккинчи бобни ёритиш жараёнида АЛ ва КХК ўқувчиларига Ўзбекистон тарихи фанидан ўтилаётган қатағонлик даврини ўрганишда интерфаол методлардан чуқурроқ фойдаланиш лозим. Интерфаол методлар асосида дарс ўтиш бир томондан фан ўқитувчисига қулайлик туғдирадиган бўлса, иккинчи томондан ўқувчиларни дарсни мустаҳкам тушунишлари учун кенг имконият яратиб беради.

Ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларида маданият ўқитувчининг юксак фазилатларидан дарак беради. Маҳорат эса уни касб эгаси даражасига кўтаради.

“Пахта иши”, “Ўзбек иши” муаммосини ёритишда “инавацион технологиялар ўқув хоналари талаб даражасида бўлиши лозим.

Сўнгги йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди, деса кмуболаға бўлмайди. Замонавий ўқитувчидарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим.

У ўз ўқувчи-талабаларини фанга ижодкорлик нуқтаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда изланувчанлик хусусиятларини

шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларида фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади.

Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усуллари яхши билиши керак. Шу ерда Президентимиз И.А. Каримовнинг «Биз ўғил-қизларимизни ўзларини англашга, мустақил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслигимиз лозим» [1] деган сўзларини мисол қилиб келтирган ҳолда мактаб ўқувчиси, касб-хунар коллежлари, академик лицей талабаларининг нутқ бойлиги, укувлилигини оширишимиз, бадиий ва илмий адабиётларга қизиқишини ривожлантиришимиз, уларнинг дунёвий ва диний илмлардан қайдаражада хабардорлигини аниқлашимиз керак бўлади. Чунки кўп ўқиган ва ўққан ёшларни алдаш, миллий ғоямизга ёт бўлган ғоялар сари етаклаш халқимиз душманлари учун уддалаб бўлмайдиган масалага айланади.

Интерфаол методлар ортқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларг эришиш мақсадини назардатулади. Дарс мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда айрим фаолият юзасидан кўникма ва малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчи билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак маҳорат ва тезкорлик талаб қилади.

Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар назариялар, концепсиялар муаллифи ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир.

Қатоғон йиллар қурбонлари мавзусини АЛ ва КХК лврида ўқувчиларга ўқитиш жараёнида фан ўқитувчисининг фаолияти қуйидагича бўлади:

Фан, Тажриба, Санъат. 1. Самарали меҳнат---- машғулотларини юқори савияда ташкил этиш. **2. Интеллект---** Ақл заковатли, саводли, маданиятли бўлиш. **3. Мотив----** Ўқувчи (ёки талаба) бошқариш ва улар билан ишлашга истак бўлиш.

Ўқитувчи учун Бошқариш бу йўналтириш; вазифа қўйиш, ўргатиш, ёрдам бериш, қўллаб- қувватлаш; маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш, кўрсатма беришдан иборатдир. Ўқитувчи мазкур мавзун

тушунтираётганда юқоридаги методлардан оммавий ва илмий фойдаланиши керак.

1984 йилнинг августида Бухоро вилояти партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Каримов порахўрлик учун қамоққаолинган, кейинэсасудқилиб кесилган эди. Лекин, ўша вақтда яна бир қанчакишилар, шужумладан суд ҳам Каримов иши бўйича яна 23 киши ушалганлигини ва қамаб қўйилганлигини, улардан олти киши бевосита Иванов чиқарган қарорлар бўйича қамалганлигини билмас эди. Камол, Анора ва Мухиддин Саидовлар, Махмуджон Камолов, Баходир Каримов ва Лола Каримовалар 5-6 ойдан ортиқ хибсда сақландилар. Уларни ушлаб келтириш ва хибсга олиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар кейинчалак ҳужжатлар орасадан чиқараб ташланган ва суддан яширилган.

1984-1990 йиллар ичида республикамизда содир бўлган қатағонлар ўзининг мохияти, дахшатли оқибатлари ва кўлами жихатидан миллатимиз 20-30, 50 ва ундан кейинга йилларда бошидан кечирган жабр жафолардан юз марта ошаб кетди.

..."Бундай мудхиш адолатсизлик на мустамлака Африкада, на мустамлака Хиндистон тарихида юз бермаганди, Чунки у юртнинг хоинлари бунчаликка боришмаган! Бизда эса на тарикларни, на мархумларни аядилар! Бизнинг халқимиз ана шундай оғир кунларни бошидан кечирди. Уруш жароҳатларидан кам бўлмаган қора кунларнинг гувоҳи бўлмаган одам қолмади. Бироқ бу кунлар ҳамбизгатарихдан, кечаги кунимиздан сабоқбўлибқолиши керак. Биз оқу қорани танидик, одамларни одамлардан ажратишга муяссар бўлдик"¹.

80-йилларда Ўзбекистон узра қатағон қиличи яна кўтарилди. Бу қиличга дастлаб ўзбек халқинанг севимли йўлбошчиси, оташқалб фарзанди Шароф Рашидов дуч келганлигини афсусланмасдан айтиб бўлмайди.Ш.Рашидов умр бўйи химоя этган тузум унга хиёнат қилди. "Дунёда ҳеч бир бундай беандиша

¹Халқ меҳрибадийдир! Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида очиқ хат. "Ўзбекистон овози", 1992 йил, 16 июнь.

тузум йўқки,-дейди Президентимиз ўзининг "Халқимизнинг оташқалб фарзанди рисоласи"да, -инсон қадрини бу қадар беобрў қилса! Бугунк ўқларга кўтариб, эртасига ер билан яксон этса!"²

1980-1990 йиллардаги қатағончилик айрим кишиларни, давлат арбобларини аэмас, балки бутун бир миллатни бадном этишга, кадр-қиматини ерга урушга ҳам қаратилган эди. "Саксонинчи йиллар қатағонида ҳеч бир республика Ўзбекистончалик талофат кўрган эмас. Нега шундай бўлди? Нега бизнинг халқимиз энг оғир кунларга қолди? Нега бутун Иттифоққа "ўзбек мафияси", "ўзбеклар иши", "пахта иши" каби дахшатли айбномалар, халққа қарши қилинган бўхтон бунчалар кенг тарқатилди?

Саксонинчи йиллар қатағони нега Ўзбекистонни ҳаммадан кўпроқ ўз домига тортди? Нега биз Ўрта Осиёдаги ён қўшинларимиздан, барча-барчасидан кўпроқ ва оғирроқ жароҳат топдик? Нега Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкарлари Амир Темурдек соҳибқирон Ватан, Ўзбекистонда тарихий ва қадимий бир республикани бунчалар бадном қилишга муваффақ бўлди? Дунёнинг яна қайси бурчагида 80-йилларда бунчалар кўп одамқ амоққа ташланди? XX асрда жаҳоннинг қайси қитъасида халқ ардоклаб Дафн этган мархум арбобни гўридан олиб, гўрга солдилар? Республика раҳбарларини Москва турмасига узоқ муддатли тутқунликда сақлаш каби беорлик XX асрнинг босқинчилик ва мустамлакачилик тарихида яна қаерда, яна қай мамлакатда юз берганини ким билади?¹

Ўзбекистонга нисбатан қилинган бундай бедодликни яғқонли қабохат, кўрсатилган жабр-зулмнинг замирида марказдагиларнинг илдизи чириб, қулай-қулай деб қолган шўро давлати ҳокимиятини қандай қилиб бўлмасин сақлабқолиш, умрини узайтиришга бўлган асосий мақсад – муддаолари турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 87-бет.

¹ "алқ меҳри абадийдир! Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллиги муносиб нишонлаш очик хат. "Ўзбекистон овози", 1992 й. 16 июнь.

1984 йилдан бошлаб собиқ Компартия собиқ раҳбарларининг лаганбардорларча таклифига биноан Ўзбекистонда мамлакатнинг турли минтақаларидан халқимиз "чекланган десантчилар" деб ном берган КПСС амалдорлари ёғилиб кела бошладилар. Янги десантчилар Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш учун эмас, балки жумхуриятимизни оёқости қилиш, ўзбек миллатини чўчитиш ва бадном этиш, миллатпарвар кишилар жоловини яна бир бор маҳкамроқ тортиб қўйиш учун юборилган эдилар.

Марказдан Ўзбекистонга юборилган десантчилар асосан маҳаллий раҳбарларни бадном этиш, таъқиб остига олиш, уларни Россия, Украина, Белоруссиядан келган, ўзларига содиқ бўлган кишилар билан алмаштириш билан шуғулландилар. 1984-1989 йиллар давомида ҳар хил баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарлар ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати шу қадар тез амалга ошдики, ҳатто бир идорага бир йилда учта янги раҳбар ўтирганини ҳам гувоҳи бўлганмиз. Бу кадр танлашдаги янги йўл эмас, балки уларни таҳқирлаш, беобрў қилиш, ерлик халқнинг миллий ғурури ва қадриятларини паймол қилиш сиёсати эди².

Марказдан юборилган амалпарастлар жумхуриятимиз партия ва ҳокимият тизимларидаги асосий ўринларни эгаллаб олиб, кирғин бошладилар. Ўзбекистондаги камчиликларни илма-тешиқ қилиб текширдилар. Йўқ хато ва камчиликларни атайин борқилдилар, игнадан туяясадилар. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккорниятларина- тижасида Ўзбекистон тарихидакўр илмаганёвузтажрибамайдо нигаайлантирилди.

Кадрларни обрўсизлантириш, уларнинг оила аъзолари, қариндошуруғлари, хаттотанишбил ишларин ихамаёвсизж азолашсиёсати Ўзбекистондани ҳоятдад ахшатлитусолди. Нечаўнваюз минглабки илартазйиқ, қувғинвақат ағонгаду чорқилинди, қанчадан-қанчаодам лартерговизо ляторлари асақлабтурилди. Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп жиной ишлар кўзғатилди. Баъзитарг овчилар далилларн исохталаштириб, бегунохларга нисбатанфақатайблаш йўлини тутдилар.

Жисмоний зўравонликлар, рухий таъсир этишлар, мажбурлаб бўйинга қўйишваэътирофэътиришлароммавийтус олган эди.

Келгиндилар томонидан халққа етказилган маънавий, ахлоқий жарохатни асло унута олмаймиз. Ўзбекистонда бошқаларга ўрнатилган бўлсин учун Республиканинг таъзирини бериб қўйишга ҳаракат қилишди. Порахўрлик фақат Ўзбекистонда бўлган бўлса кошки эди! СССРнинг хох Марказида пойтахт Москвада порахўрлик бошқа жойлардан кучли бўлган бўлса бўлганки, лекин асло кам бўлган эмас.

"Тоталитар – буйруқбозлик тузуми яратган хато ва ўпирилишларни минтақавий ёки миллий ходиса деб қараш ғирт тухматдан бошқа нарса эмас эди. Давлат ва халқ мулкини талон-тарож қилиш порахўрлик мансабга тайинлашда ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйиш фақат Ўрта Осиё республикаларига, хусусан, Ўзбекистонга хосдир. Бундай хато ва камчиликлар турғунлик йилларида Совет ахмиятининг ҳамма ерида, биринчи навбатда, марказнинг ўзида чуқур илдиз отиб кетган эди".

Энг ачинарли, дахшатли нарса шундан иборат бўлганки, гдлянчилар халқ ноибларини, меҳнат қаҳрамонларини вертолётларда итлар билан бориб кечалари қамоққа олишган, кексаларни, хомиладор аёлларни ҳам аяб ўтиришмаган.

Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб боришган, қонунга бўйсунмаганлар, аксинча, қонун уларга бўйсундирилган. Рухий таъсир ўтказиш мақсадида махбуслар узок муддат ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақланган, хатто ойлаб сўроқ ҳам қилинмаган. Оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкишлар, ўлим жазоси берилади деб қўрқитишлар, ёқадан бўғиб судрашлар, томоқдан ушлаб бўғишлар, резина таёқ билан савалашлар, зўрлаб кўпмикдорда совуқ сув ичиришар, изғирин шамол эсадиган жойларда пол устида ухлашга

мажбур этишлар оркали тергов қилинаётган кишиларни қалбаки гувоҳлик беришга кўндиришлар¹.

"Адолат химоячилари" ўз фаолиятларини ўзбек миллатига қарши жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадида олиб бордилар. Совет ва жаҳон матбуотида "ўзбек мафияси", "ўзбеклар иши" деган ҳақоратомуз атамалар пайдо бўлди. Гўлчанчилар ҳатто, ўзбекларда порахўрлик кят эмас, балки узига хос ананадир, дейишгача бориб етдилар. Бу ҳақда улар томонидан мақолалар, ҳисоботлар, китоблар ёзилди, радио ва телевизор экранларида намойиш қилинди, маърузалар қилшди. Бундай тухматлар билан халқимизнинг кўзини бўямокчи, фикрини ўзгартирмокчи бўлдилар.

Буларнинг ҳаммаси халқимизни ҳақорат қилиш ва камситишга қаратилган бебурд хатти ҳаракат эди. Шуниси қизиқки, ўтмишда ҳатто энг қаҳатчилик йилларида ҳам ўзбеклар ўғирлик, фоҳишабозлик, порахўрлик, тиланчилик нималигини билишмаг. Аксинча, у ёйдигаанонини, киядиган кийимини ҳамига ўзининг ҳалол меҳнати, пешонатери, қадоқли қўллари билан топган, бировнинг ҳақиға ҳеч қачон хиёнат қилмаган, ҳалол покиза ҳаёт кечирган иймон-эътиқодини ҳеч қачон қўлдан бермаган, ҳаром-ҳаришлик йўлиға кирмаган.

Марказий оммавий ахборот воситаларида турғунлик йилларида Ўзбекистонда рўй берган ҳато ва камчиликларни ёки минтакавий ҳодиса сифатида талкин этиш - маъмурий буйруқбозлик тузуми моҳиятидан келиб чиқадиган иллатларни ҳаспўшлашдан бошқа нарса эмас эди.

Асрлар оша чегара нималигини билмаган. оға-ини, қуда анда бўлиб яшаган ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ халқларига Совет ҳокимияти даврида "мустақиллик", "зркинлик", "ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи" берилди. Туркистон парчаланиб ташланди. Янгидан ташкил этилган "мустақил" республикаларға

¹В.Илюхин. Қабоҳат ёҳуд ("Ўзбеклар иши" деган уйдирма ҳусусида). Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 йил, 45-бет.

бундай қараганда жуда кўп ҳуқуқ ва имкониятлар берилгандай эди. Лекин уларнинг ҳамма хўжакўрсинга қилинган эди.

Мустабид тузум жумҳуриятларга ваъда қилинган ҳуқуқларни ҳам, тенглик, озодлик ва мустақилликни ҳам аслида бермади.

Шўро ҳокимиятийилларида "қардош жумҳуриятларнинг", тўла мустақиллиги", "тенг ҳуқуқлилиги", "ўзини-ўзи идора қилиш" ҳақида бекаму кўст гапирилди. Бу ҳақда сон-саноксиз китоблар, рисоалар, монографиялар ёзилди, диссертациялар химоя килинди, илмий анжуманлар ўтказилди, мунтазам равишда тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилди. Сиртдан қараганда бу фикр тўғридай бўлиб кўринарди. Чунки, коммунистлар жумҳуриятлар "миллий мустақиллигининг" тарихда илгари мисли кўрилмаган шундай бир шаклини ўта устамонлик ва хийлакордик билан яратган эдиларки,. Унинг туб мохиятига унча-мунча одам бирданига тушуниб ета олмас эди. Унда мустақил давлатнинг барча анъанавий белгиларига, яъни ҳар бир мустақил жумҳурият ўз номига, миллий тилига, Конституциясига, ўз худуди ва ҳукуматига, ўз Компартиясига, парламентига, ўз миллий байроғи, мадҳияси ва давлат нишонларига эга эди. Гуё, иттифокдош жумҳуриятларнинг ҳарбири СССР¹² таркибидан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг Конституцияларида бу ҳақда ёзиб ҳам қўйилганди.

М.Мирзобоев Гдляннинг кўрсатмаси билан икки кеча хизмат кабднетига камалиб, устиданкулфлабқўйилади. 1984 йил 7 июль куни эрталаб у ўзини деразадан ташлайди ва ҳалок бўлади.

Уша вақтда трест бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган Қорақлпоғистон АССР, Нукус шаҳар кенгашининг депутаты Х.М. Худойберганов ҳам 1985 йили январида хизмат хонасида терговчи Н.В.Иванов томонидан икки кеча мобайнида қамаб қўйилди. Ўша кезларда

¹ "Халк сўзи", 1998 йил 14 март.

терговчиларнинг қўлида уни камокка олиш ва устидан жиноий иш қўзғатиш тўғрисида ҳеч қандай рухсатнома йўқ эди. Шунинг учун уни қамоқхонага эмас, балки кабинетга чақириб устидан қулфлаб қўйишганди.

Ўзларини ҳеч ким назорат қилмаётганлигига амин бўлган Гдлян гуруҳидаги терговчилар шу даражага бориб етадиларки, улар 1987 йилнинг кузида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ўзларига бўйсунмаган, исталган маълумотни бермайдиган, камгап гувоҳлар учун махсус изоляторлар очиб олдилар. Ушбу изоляторларга одамларни бир неча кунгача қамаб қўйиб, уларни овкатсиз, оч-наҳорқолдирдилар. Бундан кўзланган мақсад ҳам яна ўша ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қўлга киритиш эди.

1985 йилда Ўзбекистонда Гдлян ва Ивановларнинг қатағонлари бошланади. Бирин-кетин район ва вилоят партия кўмиталарининг котиблари қамоққаолинади. Салўтибэсамилицияниҳам "тозалаш"га киришадилар. Озгина фурсат ичида бир неча ўзбекистонлик генерал ва полковниклар хибсга олинади. Улар катта микдорда пора олиш ва пора беришда айбланадилар, Лекин Гдлян ва Иванов учун бу чегара эмас эди. Улар шов-шув кўтаришни яхши кўришарди. Ишнинг бир учини собиқ бош котибнинг куёвига боғласалар ўзлари ҳам машҳур бўлиб, "Қахрамон"га айланшини билишарди. Шунинг учун улар Ю.Чурбанов вазир ўринбосари бўлган пайтда икки марта Ўзбекистонга келганини аниқлашади.¹

Ю.Чурбанов бешта ўзбек генерали билан бир жойда қамоқмуддатиниўтади. Зўравонлик, хўрлаш натижасида уларнинг бири ақлданоуди, қолганлари эса ногирон бўлиб қолишди. Бухоро вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби А.Каримов ҳамбуларбиланбиржойда қамоқмуддатиниўтади. Унинг гапига қараганда, "айбини" бўйнига олдириш учун хотини ва қизини қамаб қўйишган, қийнашган ва видеотасвирга тушириб Каримовга кўрсатишган экан. Унинг ўлими ҳамфожиалибўлди. Бутунлай авф этилганини эшитиб, юраги дош беролмади. Умуман олганда, Гдлян ва Иванов ўзбекларнинг қонини сўриб СССР халқ депутатлари бўлишди.

Бугун ҳаммасиортдақолди. Юрий Чурбанов билан турли муддатларга озодликдан махрумэтилган ўзбекистонлик генераллар Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Хушвақт Норбўтаев, Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муин Норов, Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Салим Собиров, полковниклар - Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари Петр Бегалмон, Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ёкубов, Муҳаммаджонов озодликка чиқдилар. Ўзбекистон ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Тоштемир Қахрамонов эса айби исботланмагани учун ўша пайтда суд залидан чиқариб юборилган эди. Лекин, кечиқиб бўлса-да ҳақиқатқарор топди.

Гдлян гуруҳининг мақсади порахўр жиноятчиларни ушлаб қамаш эмасди. Улар Марказнинг топшириғига асосан аввало Республикамизга кўп йиллар раҳбарлик қилган Шароф Рашидовни, бошқа обрўли кишиларимизни, қамаш йўли билан бутун ўзбек халқининг гашаътини оёқости қилишга уриндилар. Гдлян ва Иванов кимни қамаган бўлса, биринчи навбатда мархум Рашидовга қарши кўргазма беришни талаб қиларди ва ўз мақсадларига эришдилар. Бундан ташқари улар конунни бузиш билан шуғулландилар. Барча терговларни конунга хилоф равишда олиб бордилар. Отанинг жинояти учун фарзандларини, хотинини қамадилар.

Гдлян ва Иванов жиноятчиларни ушлаш билан бирга катта жиноят ҳамқилишди. Бу икки терговчи бошчилигидаги гуруҳнинг фаолиятини ўрганган комиссиянинг хулосасига қараганда, улар фуқаролардан пул ва турли хил қимматбаҳо буюмларни тортиб олишда мутлақо қонунга амал қилмаганлар ва ўз чўнтақларига солиб олиб кетишган¹.

80-йиллардаги бундай ноҳақликлар кишилар кечира олмайдиган иш бўлди.

Бу мавзунини ёритишда фан ўқитувчиси олдига қуйдаги вазифалар қўйилади: Замонавий ўқитувчи — келажак бунёдкори, янги педогогик технологиялар,

¹Б.Эгамов. “Гдлянни уруш осон эмасди”. Тошкент, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил, 16 июнь.

назариялар, концепциялар муаллифи ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси бўлмоғи лозимдир.

2. 2. 1980-йиллар охири 1990-йилларда олиб борилган қатағонлик сиёсати

1988-1989 йиллар СССР Прокуратурасининг кўпгина ходимлари учун оғир йиллар бўлди. Кавказ Орти ва Ўрта Осиёдаги миллий зиддиятлар оммавий қонли тўқнашувларга айланиб кетди. Бош тергов бошқармасининг ходимлари бутун мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан ўз хузурларига терговчиларни чақириб, тергов бригадаларини тузишга ва улар билан бирга энг қайноқ нуқталарга ур - йиқитлар авж олган жойларга етиб боришга аранг улгуришарди. Бундай жойларда уларнинг ўз ҳаётлари ҳамдоимий ҳавф-хатаротида кечарди, чунки у жойларда жинойтчилар уй-жойларга ўт кўйишар, одамларни отиб, сўйиб, ўлдиришар, уларнинг мол-мулкларини талон-тарож қилишарди.

Тергов ишларини қай йўсинда ва қандай олиб боришни тўғри белгилаш ғоят муҳим эди. Олти йил мобайнида Гдлян ва унинг командаси деярли 200 кишани ушлаб ҳибсга олиш тўғрисида қарорлар чиқарган. Шулардан 640 киши порахўрлик учун, қолганлари эса бошқа ҳар хил жинойтлар учун ва асосан "жинойий йўллар билан топилган бойликларни сақлаганлиги учун" ҳибсга олинган.

Бевосита Гдлян ва Иванов томонидан 150 та жияойи иш судларга жўнатилгал. Шу билан бирга бу ишлар бўйича фақат 310 киши устидан ҳукм чиқарилган. Кузатилган тўртта ишни қайта қўшимча тергов қилиш учун уларнинг ўзларига қайтариб беришганида,бу ишларни иккинчи марта судга оширишга асос топилмаган.

Гдлян хали ишлаб юрган вақтларидаёқ у жўнатган ишлар бўйича суд хибсда сақланаётган Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари Қахрамоновни ҳамда Қарши шаҳар саноат моллари савдо идорасининг директори Ғойиповни оқлаб, қамоқдан озодқилади. Гдлянни ишдан озод қилиш пайтигача унинг терговчилардан бошқатерговчилар қўлига олиб берилган ишлар бўйича хали яна 29 киши хибсда сақланаётган эди. Кейинчалик улардан фақат 14 кишигина¹³ айбдор деб топилиб, судланади, қолганларининг эса айбсизлиги тан олиниб, улар бутунлай оқланадилар. Шундай қилиб порахўрлик учун қамалган кишилардан 25 киши 1991 йилнингбиринчисентябригақадарбутунлайоқланди. Айбсиз кишилар 7-9 ойдан 3-7 йилгача хибсда сақланган. Масалан, Қахрамонов 3 йилу 3 ой турма камерасида ётди. Унинг ҳамкасби милиция генералиА.Муҳаммадиев 2 йилу 2 ой, милиция майори Иззатов 7 йил, авиацияотрядинингкомандири Арслон Рўзметов 3 йилу 9 ой ва яна 21 кун турмада ётишган. Навоий вилоятининг ижроя қўмитасининг раиси ҳеч қандайайбсиз 3 йилданқўпроқхибсдасакланади. Ана шу вақт ичида унинг хотини вафот этади, бироқ терговчилар унга мархум билан видолашиб келиш имконини бермайдилар. Аёлининг ўлими тўғрисида Хайитовга орадан бир йил ўтгач айтишади. Барноев Максудга ҳамўз отасини дафн маросимида қатнашишига рухсат беришмайди. Отаси ўлган куни у ҳам конунсиз равишда хибсда сақланаётган эди.

1. "Тошкент ҳақиқати", 1995 йил 2 ноябрь.

Бир катор айбланувчиларнинг берган маълумотларида Гдлянбилан Иванов Ш.Р.Рашидовга обрўсини туширадиган маълумотларберишни талаб қилганликлари зслатиб ўтилади. Бу иккала терговчи Рашидовни порахўрликда айблаб, уни кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда нотўғри йўл тутган деб хисоблайдилар ва кўп гунохларни уни устига ағдариб гапирганлар ва ёзганлар.¹

Ўзбекистон КП МКнинг иккинчи котиби Т.Осетровнинг бошига оғир кунлар тушади. Уни 1986 йил 13 декабрда қамокқаоладилар, орадан икки йилу беш ой ва яна 15 кун ўтганидан кейингина ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги учун озодликка чиқаришади. Осетров барча азоб-укубатларга чидаб берган, лекин иродаси букилмаган кишилар сирасига киради. У барча дўқ-пўписалар, кўрқитишлар ва ёлғон-бўхтонларга мардона дош беради. Ўзига қилган тухматларни фош этади ва ўзи ҳеч кимга тухмат қилмайди. Гдлян ўз ихтиёридаги барча қонунсизлик қуролларини унинг устига ёғдиради. Гдлян ¹⁴хибсда сақланаётган Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазири Яхеевдан ҳам фойдаланмокчи бўлади. Яхеев Осетровни маълумот беришга кўндиришга "уриниши" лозим эди. 1987 йил февраль ойининг охири - март ойининг бошларида Осетров билан Яхеевни 4 марта юзлаштирадилар. Илгари Яхеевни Осетров масаласида сўроққилмаган эдилар. Яхеев ҳамунга "пора берганлиги"ни бўйнига олмаган эди. Осетров ҳам Яхеев тўғрисида сўроқ қилинмаган эди. Жиноят процессуал норма талабларига биноан бир хилдаги воқеа-вазиятлар юзасидан сўроққилинган шахсларнинг кўрсатмаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлганлигини бундай юзлаштириш тадбирлари ўтказилади. Бу ерда эса ҳеч қандай зиддият мавжуд эмас эди.

1983 йил охирига келиб Ўзбекистонда қонунчиликнинг бузилганлиги билан боғлиқ ишларни текшириш давомида муайян хулоса чиқариш учун етарли маълумот тўпланганди.

1. www.e-tarih.uz

2. www.akademik.ru

1991 йил апрелида СССР Олий Кенгаши сессиясида у Гдлян билан Ивановни одил суддан олиб қолиш учун бор кучини сарфлади. Яна алдамчилик ишга солинди. У Гдлян билан Ивановни прокуратурада ишдан бўшатиш учун СССР Олий Кенгашининг ҳам розалиги бўлиши зарур деб ҳаммани зўр бериб ишонтиришга уринди. Чунки уларнинг иккалови ҳам халк депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган эди. Арманистон халк депутатлигига сайловлар тўғрисидагиконундабундайшартларкўзда тутилмаган. Аммо шунга карамай Г. Сторовойтова ўз сўзидан туриб олди ва юқорида айтилганёлғонни бутун мамлакатга ҳақиқатқилибкўрсатди.

1991 йил 13 апрелда СССР Бош прокурори уларни хизмат доирасида интизомни кўпол суратда бузганликлари учун прокуратура органларидан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Буйруқ холисона ва адолатли эди. Чунки иккала терговчи ҳам ўз хизмат мавкеларини суиистеъмол қилибгина қолмасдан, балки шу билан бирга прокуратура билан алокани аллақачон узгандилар: ишгачикмас, тергов билан шуғулланишдан бош тортар эдилар, аммо ҳар ой иш ҳақини олиб туришдан тортинмасдилар.¹

Гдлян ва Ивановлар гуруҳи Ўзбекистон ҳудудида 200-300 кишидан иборат таркибда иш кўрганлар. Уларнинг сони доимо ўзгариб турган. Гуруҳга кирган терговчилар аксариятининг савияси Гдлян ва Иванов савиясидан анча паст бўлган. Гдлян ва Ивановларнинг ўзлари ҳаммалакалари паст, ҳуқуқ тизимларини билмасликлари, улар гуруҳига кирган терговчилар ўз бошлиқларининг топшириқларини кўр-кўрона бажарувчи, мансабпараст, ном чиқариш учун тўғрикелган қабохатлардан тоймайдиган шахслар бўлган¹.

Мазкур қўлланмада талабаларга билим бериш билан биргаликда яна мавзуимиз учун 9-,10-,11-синфларда Ўзбекистон тарихи фани бўйича 2 соатдан дарс ажратилгандир. Ўрта мактаб ўқувчиларига таълимий билим бериш жараёнида катағонлик даври тарихини жуда чуқур ўрганишга тўғри келади.

¹“Қабохат ёхуд” В.Илюхин. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993 йил.

1990 йилларга қадар бўлган дарсликларда бу мавзу ёритилмагандир. Оммавий қатағон қилишлар 30-йилларда юз берган эди. Бу тўлқин собик Совет Иттифоқининг деярли ҳамма Республикаларини бирвақтда камраб олган эди.

Мактаб ўқувчилари ва талабаларга таълимий билим бериш жараёнида 30-йиллардаги қатағонларасосан партия, совет, хўжалик, ҳарбий кадрлар хусусида бўлишининг сабабларини мисоллар асосида кенг ёритиб бермоқ лозимдир.

40-йиллардаги қатағонлар эса асосан маданият ва илмий фан арбобларига тааллуқли бўлди. Бу қатағонларучун ВКП(б) 1946 йил февралда қабул қилинган “Звезда”, “Катта ҳаёт” фильми тўғрисида “В.Мураделнинг “Буюк дўстлик операси ҳақида” қарорлари мафкуравий асос бўлиб хизмат қилганлигини ўқувчиларга батафсил баён этиб бериш лозимдир. Шуйиллардан бошлаб адабиёт ва санъатнинг ижодий, демократик тараққиёти узок йилларгача сулайиб қолди, жойларда эса ўзгача фикр қилишга барҳам берила бошланди. Айниқса, ўқувчиларга ва талабаларга таълим бериш жараёнида бегуноҳ қурбон бўлган Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби шоир ва ёзувчаларимизнинг машаққатли меҳнатлари, уларнинг ижоди ўзбекхалқининг маънавий бойлиги эканлигини ва уларнинг ҳаёт фаолияти бадиий баркамол асарларини ўрганиш миллий ғуруримиз эканлигини ўқувчиларга тушунтира билиш керак. Кейинги йилларда бу адибларимизнинг ижодий фаолиятига оид мақолалар ва рисоалар, уларнинг асарлари кўплаб чоп этилмоқда. Мактаб ўқувчилари ва талабаларга тўла эътироф этган ҳолда хали уларнинг асарлари чуқурроқ ўрганиш ва атрофлича таҳлил қилишимиз лозимлигини билдириш керак. Бундан ташқари давлат ва партия аппаратида кўп йиллар ишлаган Ватаним, халқим деб жон куйдирган Турор Рискулов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Теша Неъматов, Тўра Хусанов каби юзлаб ватанпарвар раҳбарларимиз Сталиннинг репрессиясига дучор бўлдилар. “Сталинизм ажал уруғи ўлкамиз осмони узра қиличиниқайраб турган йилларда

она юртимиз фарзандларидан 8 миллиондап ортиқ кишиларнинг ёстиғи қуриди"¹.

50-йилларда "Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда", деган мақола пайдо бўлди, унда ўзбек адабиётининг Ойбек, Х. Зарипов, Х. Ёқубов, И.Султонов ва бошқа арбоблар жиддий мафкуравий хатолар ва бузғунликда айбланди. Ёзувчилардан Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Ғулом Аълимов ва баъзи бошқаадиблар 1951 йили "Советларга қарши миллатчилик фаолияти"да айбланиб қамоққа олиндилар, кейин эса 25 йилмуддат билан озодликдан махрум этилди.

Қўлланманинг иккинчи бўлимида 80-йиллардаги қатағонликнинг юз бериши масаласига тўхталганда шу нарсага эътибор бериш керакки, турғунлик йиллари қатағонликлари даврида ҳозирги даврда қурбонлар сабабини, мохиятини ўқувчиларга чуқур тушунтирмак керак. Шунингдек, сохта ўйлаб тўқиб чиқарилган "ўзбеклар иши", "ўзбеклар мафияси", "пахта иши", "Рашидовчилик" кабилар туфайли қанчадан-қанча оилаларнинг юрак-бағрлари қон бўлди. Ўқитувчи мактаб ўқувчилари ва талабаларга таълимий тарбия жараёнида 80-йиллар воқеасидан тўғри хулоса чиқаришга йўлланма бериш лозим. Агар биз эътибор бериб қарайдиган бўлсак, босмачиларга қарши кураш йилларидаги халқимизбошидагиқирғинликлар Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент, Ўш, Ўзган ва Намангандаги дахшатли фожиалар ҳарқандайкишиқалбини титратиб юборади. Мактаб ўқувчисинингваталабанингбутўғрисидагитасаввуриқандайэкан?..

Пахта иши деган иш тўқилиб, майдонгаолибчикилди. Буишвақтлияйниқса, марказий матбуотда кишининг иззат нафсига тегувчи "ўзбек иши" деган ном билан аталди.

АЛ ва КХК ўқувчиларига ушубу мавзуни тушунтириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда жонли мулоқат учун "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" фильмини намойиш этиш

¹Ш.Каримов. Қафасдаги қуш орзуси". "Фан", Тошкент, 1991 йил.

мақсадга мувофиқдир. Чунки ўқувчилар шўроларнинг тадвасаси тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ тушуниб олишади.. пахта иши тўғрисида Президентимиз шундай деган эди: “Пахта иши” деб аталмиш масалани кўриб чиқишда йўл қўйилган жиддий хатолар ва нуқсонлар бу масалага ўйламай нетмай ёппасига ёндашувлар, кўпинча эса иқтидорли одамларни ассосиз равишда актив фаолиятдан четлаштириш, булларнинг ҳаммаси жуда кўплаб одамлар ва уларнинг оилалари тақдирида машъум рол ўйнагани халққа жуда ёмон таъсир қилди”¹

Ўзбекистон ССР Олий совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда пахтачиликда қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган комиссия ташкил этди.² Комиссиянинг иш натижаларига кўра 2940 ҳақ-ҳуқуқи қайта тикланди 1015 киши ассосиз судлангани аниқланди. Ноқонуний равишда ҳибсга олинган ватандашларимиз озодликка чиқди. Инвацион технологиялар¹⁵ асосида ижтимоий фан ўқитувчилари ал ва КХК ўқувчиларига дарс ўтиш борасида ўзларининг тайёрлаган иновацион тақдимотлари бўйича, мустақиллик арафасида халқимизнинг шаъни ва ғурури қонуний ҳуқуқлари, унинг бой¹⁶ тарихи, бебаҳо маданияти, буюк аجدодларимизнинг хотирасига нисбатан, тарихий адолатни тиклаш бўйича яна бир қанча қарорлар шу жумладан анъанавий халқ байрамлари, урф-одат ва маросимларни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилингани ҳам улкан жасоратни қадам эканлигини ўқувчи-ёшларга ўзига хос бўлган тарбиявий томонларини етказиб беришлари лозим. Бу эса ўқувчи-ёшларимизни “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” қуриш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архиви. “Пахта иши” бўйича маълумотнома. II том 24-варақ.

² И.А. Каримов: Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2012 й. 95-бет.

1. Каримов И. А. Халқ сўзи 2001 йил 23 май.

3. [www. Literature.ru](http://www.Literature.ru)

4. www. Kutubxona.uz

борасида фал иштирок этишлари ва Ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришга кенг йўл очиб беради.

Президентимиз қайта- қайта таъкидлаганиднк, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода юртбошимиз олимлар, адабиёт ва санъат аҳли, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари олдида қўяётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта маъсулият билан кенг ва атрофлича қарашни тақозо этади.¹ Истибдод даврида қатоғон қурбони бўлган улуг сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

ТАКЛИФЛАР ВА ХУЛОСА

___ Академик - литсей ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларини Ўзбекистон тарихи фанидан Мустабид совет тузумнинг “Ўзбекистондаги қатағончилик сиёсати ва унинг оқибатлари” мавзуси бўйича дарс ўтиш жараёнида хотира майдонига ва музейига экскурсия уюштириш.

___Мустамлакачилик даври қурбонларини абадийлаштириш бўйича ҳар бир вилоятларда хотира албомини ташкил этиш лозим.

___Қатағон йиллар қурбонлари хотираси музейини ва “ Мотамсаро она хайкали ” хайкали пойига гул чамбарлар қўйиш.

___АЛ ва касб ҳунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўзлари яшаган жойлардаги архивларга мурожат қилган ҳолда қатағон йиллар қурбонлари бўлган кишилар ҳаётига бўлган ҳужжатларни топиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

___Ўзбек иши пахта иши бўйича сиёсий хужжатли филмдан тақдимот усулидан фойдаланган ҳолда дарсни янги пед технология асосида замон талаби ва акт дан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш.

Ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-қувват олади. Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллат равнақи учун жонбозлик қилганим-фан соҳибларининг фаолияти эса ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилди. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш эса бугунги ва келгуси авлодларнинг муқаддас бурчи. Зеро, тарихдан беҳабар халқ тарихини асраган ва билган халқ қудратли ва тенглар ичида тенг халқдир.

Ўзбек халқи олис ўтмишини ўрганиш, мозийни қайта кашф этиш йўлида муҳим ютуқларга эришди. Аммо, турғунлик даврида тарихшунослик борасида ҳам қатағон этилган сарҳадлар, ёлғон ҳукмронлик қилган даврлар бор эди. Натижада халқимиз ўтмишининг муҳим ва катта бир даври тарих ҳақидаги тадқиқотларда ҳам, адабий асарларда ҳам чинакам аксини топмади.

Жамият тарихида ўтган жамики буюк инсонлар - фан, маданиятимизнинг улуғ кишилари ҳақиқат, озодлик йўлида меҳрибон халқи, она-Ватани учун ўз жонини аямаган сиймолар бир қарашда само юлдузларига ўхшамайдилар. Уларнинг баъзилари бир муддат - зулмат ичра чарақлаб туради-ю, сўнг сўнади. Аммо уларнинг айримлари юлдуз янглиғ шуълага эга бўлиб, одамлар билан йўлдош бўладилар. Само юлдузларининг бошқалари эса – мангу ёғду сочиб турадилар. Истеъдодли ва доно одамлар ҳеч қачон оёқ тагига қараб яшамайдилар. Улар туяга миниб узоқни кўзлаган донишмандлардек олис уфқларни мўлжалга олиб юрадилар. Эртанги кун, яшаш ва кураш, яратиш завқи билан яшайдилар. Маърифатпарвар сиймо, мохир тарихчи, зийрак иқтисодчи олим, сезгир дипломат, оташин нотик ва публицист Файзулла Хўжаевўзининг жўшқин серқирра ва сермахсул ҳаёт ва ижоди фаолиятини меҳнаткаш халқ

бахту-саодатига, она-Ватан истиқболига бағишлади. Инсон яшаш учун курашади. Аммо ҳеч вақт ҳақиқатдан тухмат устун келмасин экан...

Биз бугунги кунда қоралаётган, лаънатлашга сўзтопаолмаётган шахсга сиғиниш даври элимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари ёстиғини қуритди. Уларга ёруғликни насиб кўрмади. Юртманфаати, миллат равнақи учун ўзини масъул деб билган минглаб зиёлилар мангуликка бош қўйишди. Энг фожиали сишуки, 30-50 йилларда тухмат билан хибсга олинган ҳалол инсонлар машъум ҳукмлар билан бизга ҳамон номаълум бўлиб қолаётган шароитларда ҳаётдан кўз юмишган. Аниқроғи, уларнинг жонига қасд қилишган. Фақат биргина: "Отилсин! Отилсин! Отилсин!" деган жазо такрорланаверган ва такрорланаверган..¹ Ҳозир ноҳақ қурбон бўлганларнинг қачон ва қандай ҳолатларда қатл қилинганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Зеро, бундай бахтсизликларни юзага келтирганлар ўз мунофиқларини фош қилувчи ҳужжатларни сақлашмасди. Аксинча: зудлик билан ном-нишонсиз йўқ қилинади. Шу боис ҳозирги кунда ўша қатагон йилларида гумдон қилинган қанчадан-қанча тарихий шахслар ҳурматини жойига қўя олганимиз йўқ. Қолаверса, партиянинг XX съезидан сўнг ҳам ноҳақ қамалганларга тириклигида насиб этмаган инсоний ҳурмат насиб қилган!. Афсуски, узок йиллар улар тўғрисидага маълумотлар темир сандиқларда сақланди. Афкор оммага қатагон қурбонлари ҳақида маълумот беришда чўчилда. Халққа бор ҳақиқатни айташ шунчалик қийин бўлдики, бамисоли ўша қатагон йиллари гўё қайтиб келадигандек туюлди. Хайриятки, уларнинг "қаромати" амалгаошмади.

Ошкоралакнинг беғубор шамоли биз кутган ҳақиқатни руёбга чиқарди. Биз тўғри сўзлашга, диламиздаги туйғуларна, қолаверса дилимизда нима бўлса, шунини изҳор этишга ўргандик. Шу боис 30-50 йилларда жабр тортганлар ҳақида борган пайит иш бугунги кунда биз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолмоқда.

¹И.Усмонов. Қатагон қурбонлари. Тошкент, 1992, 28-бет.

Ҳозиргача барча қатағон домига тортилганлар хакида турли маълумотлар юрада. Айрим маълумотларда Ўзбекистонда бир неча ўн минг киши қатағон қилинган келтирса, бошқа маълумотларда бу рақам ё камайтирилган ёки салпал кўпайтирилган микдорда келтирилади. Аслида эса, назаримда, бу рақамлар нисбий рақамлардир. Хечким, ҳаҷнарсан, ҳечқачонулар ҳисобина юритган эмас, буни аниқ айтадиган ҳужжат ҳам, одам ҳам йўқ. Қурбонлар сонини аниқлашнинг иложи ҳам йўқ. Чунки мавжуд рақамлар фақат расмий ҳужжатлар асосида суд қилинганларга нисбатан тузилган. Улар эса аслида катл этилган, ўлдириб юборилганларнинг ярмига ҳам юритилмаган. Масалан, расман ҳужжатларга кўра, фақат 1937-38 йилларда 30.214 киши Ўзбекистонда қамоққа олиниб, қатағон тегирмони тагига ташлангандек кўрсатилади. Агар, бундай оммавий қирғинлар 1920 йиллардан бошлаб тинмай давом этирилгандаги ҳисобга олсак, фақат қирқинчи йилгача 20 йил мобайнида, энг кам ҳисобдаолинганда ҳам бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетиши керак. Маълумки, республикамиз ҳудудида яшовчи жами аҳоли сони ўша даврларда 2,5-3 миллиондан ошмаган. Агар ҳар бир оилада ўртача бешта одам яшаган деб ҳисоблансан, нари борсан ярим миллион оила яшаган бўлади. Демак ҳар бир оила қатағондан жабрланади. Унинг қурбони бўлди¹.

Хоразм ички ишлар хизматининг бўлим бошлиғи Ференс деган шахс бир ой мобайнида 50-60 кишини қамалганлиги учун, "буишэмас, дангасалик" эканлиги айтилиб Леоновдан қаттиқдакки эшитади.

Ўзбек тили ва адабиётининг йирик дарғаларидан бири, таниқли ёзувчи ва олим Отахон Хошимов уйдирма айбномалар билан қамоққаолинади. Ойбек, Фитрат, Ёлбеккаби ёзувчиларнинг асарларини чоп этирган, давлат тўнтариши қилиб ҳокимиятни қўлга олишга уринган, Файзулла Ҳужаевлар билан бирга аксилинқилобий ҳаракатларда иштирок этган деган айблар тўрида

¹Ф.Қиличев. "Зулматдан садолар". 138-бет.

ўралаштирилиб, бор-йўғи 25 дақиқа ичида ўлим жазосига ҳукм этилади, ҳукм дарҳол, 1938 йилнинг 5 октябри куни ижро этилади.

Истиклол шарофати ва даъвати билан аجدодлар мероси-миллий фазилатларимизни тиклай бошладик, сабабким юз ўттиз йиллик мустабид тузум халқимизнинг ўзига хос киёфаси, феъл-атворида, рухиятида чуқур ва машъум из колдирганлигини рад этиб бўлмайди.

Аждодларимизни тепкилашда, тарихимизни рангу-жилолардан бенасиб қилишди, ажойиб хислатларини йўққа чиқаришди, юртбошиларимиз бўлганларни навбат билан қандайдирмахлуқларга қиёслашди, олиму-алломаларимизни, зиёлиларимизни телбаларга, девоналарга тенглашдилар. Беқиёс заминимиз ва табиатимиз диққат вайрона чанг-тўзон, сахро, чолдевор ва синаб "ғингшийдиган" эшаклардан иборат деб тасвирлашди. одамларимизни эса... хуллас халқимизда эса ўз ўтмишидан хазар қилиш, ундан чўчиш ва бора-бора воз кечиш хиссини пайдо қилиш сиёсати чуқур ўйланган режалар асосида юритила борди. Динимизга, имонимизга эътиқодимизга, ишончимиз ва анъаналаримизга жиддий путур етказилди. Халқ маънавий, ватан моддий жиҳатдан таланди... Бу ишларнинг бошида тазйиқ деб аталмиш бир аждаҳо¹⁷ турди. Унинг бош кураши эса дахшат солиш, қўрқув деган нарсани ахли-фуқаро вужудига сингдириб бориш бўлди.

Қатағон йилларида хўлу-қуруқ баробар ёнди: Иттифоқимиздаги бирон халқ буйиллардан жафо чекмай қолмади. Қатағонйилларида 30 ёшли, борингки 40 ёшли совет фуқароси ҳам “халқ душмани” деган иборани тушунмаслиги мумкин, тушунган тақдирда ҳам“ Ёпирай, совет фуқароси ҳам халқ душмани бўлиши мумкинми, бу Гитлерга ҳам тақилмаган жинойт-ку”, осойишталик кўтарилар, мажлису-маъракаларда бомба декпортлар эди.

¹ Ражабов. Қ. “Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши” ёхуд топталган тақдирлар хусусида. Бухоро 2010 йил

Ҳар бир халқнинг ўзига хос фазилатлари бўлганидек, феъл-атвори, яшаштарзи, иқтисодий қувватига яраша маълум камчиликлари ҳам бўлади.

80-йилларда ҳамқ атагон сиёсати давом этди. Бунда Гдлянва Ивановлар Ўзбекистонда олиб борилган ишлар натижасида, ўзбек раҳбарлари қамокқа олинди. И.А.Каримовнинг авф этиш тўғрисидаги фармони туфайли“ пахтаиши”, “ўзбеклариши ”натижасида қамалган юзлаб кишилар озодликка чиқди. Озодлик дунёдаги энг улуғ неъмат. Бунибир кун бўлса ҳам қамокхонада ўтирган одам яхши билади. Авф туфайли одамлар тоза ҳаво ола бошлади. Минглаб хонадонларда ўчган чироқ қайтадан ёнди.¹

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мана шу қатагон сиёсати туфайли қанчадан-қанча раҳбару, давлат арбоблари, шоиру ёзувчилар ва минглаб бегуноҳ кишилар қатагон сиёсатининг қурбони бўлди.

Ассосиз қатагон қилинганларни оқлаш аслида Сталин вафотидан сўнг— 50-йиллар ўрталарида бошланган эди.

Натижада ўшанда Ўзбекистон бўйича қатагон қилинган (ҳалок бўлган ва қамокда ўтирган)лардан 40000 киши оқланди. 80-йилларнинг охирида яна бир гуруҳ кишилар оқланди. Лекин уларни оқлаш коммунистик мафкура талаблари остида амалга оширилиб, бу жараён охирига етказилмади. Бунинг устига уларни оқлаш янги кишиларни қатагон қилиш билан бир пайтда амалга оширилди. Мустабид тузум даврида бундай бўлиши табиий эди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан кейин қатагон қилинганларнинг кўпчилиги ҳуқуқий жиҳатдан оқланди. Уларнинг порлоқ номлари тикланди. Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2000- йил 12-майда Тошкент шаҳридаги Юнусобод мавзесида—Бўзсув бўйида Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуи очилди. У мустабид совет режими даврида қатагон қилинган шахидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган бўлиб, миллат фидойиларининг аксарияти шу ерда отиб ташланган эди. И. Каримов ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида коммунистик режим қатагонларининг асл моҳиятини қуйидагича очиб берган эди: «Зулм ва

зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллий кадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳиблари жисмонан йўқ қилинди... Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир».

2001-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳарйили 31-август— Мустақиллик эълон қилинган кун қатағон қурбонлари хотираси кун сифатида нишонланадиган бўлди. Бу миннатдор авлодларнинг ўз аجدодлари хотирасига эҳтиромидир.

Ўзингиз яшаб турган маҳалла ёки қишлоқда қатағон қилинган кишиларнинг рўйхатини тузишга уриниб кўринг.

Таклиф: Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига дарс ўтиш жараёнида,

- Қатағонлик сиёсатини келтириб чиқарган сабаблар ҳақида тушунча бериш;
- Дарсларни интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда тақдимотбилан ўтиш.
- Хотира ва кадрлаш кун эkanлиги тўғрисида тушунча бериш.
- Хотира майдонига экскурсия уюштириш.
- АЛ ва КХК ўқувчиларига топшириқ бериб ўзлари яшаётган жойларда қатағон қилинганлар, “пахтаиши”, “ўзбек иши” юзасидан қамалганлар фаолиятини алоҳида ўрганиб чиқиш ва улар тўғрисида маълумот тўплаш лозим.
- 31 август қатағон қурбонлари хотираси кун сифатида нишонланади, шу кун АЛ ва КХК ўқувчи ёшлари Хотира майдонига гулчамбарлар қўйиб фаол иштирок этишлари лозим.

2001-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 31-август — Мустақиллик эълон қилинган кун қатағон қурбонлари хотираси кун сифатида нишонланадиган бўлди. Бу миннатдорчилик авлодларнинг ўз аجدодлари хотирасига эҳтиромидир.

Ахборот коммуникацион технологияларни таълим жараёнига қўллаш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг салоҳияти ва замонавий ахборот тизимларидан фойдалана олиш малака тизимларидан чамбар час боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Бунинг учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб қилинади.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент. 2012.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент. 2012 йил.
3. И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ 1998 йил. 31 бет.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизлик тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, 1997,

5. Каримов И. А. Халқ сўзи 2001 йил 23 май. Халқ қахрамон – халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз.
6. Хасанов М. "Файзулла Хўжаев". Тошкент, "Ўзбекистон", 1990 йил.
7. Шукрулло. "Кафансиз кўмилганлар". Тошкент, "Меҳнат", 1991 йил.
8. "Совет жамияти тарихи саҳифалари". Тошкент, "Ўқитувчи", 1991 йил.
9. Махмудов. "Барҳаётсиймолар". Тошкент, "Ўзбекистон", 1991 й.
10. "Инқилоб жангчилари". Тошкент, "Ўзбекистон", 1991 йил.
11. И. Усмонов. "Қатағон қурбонлари". Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 йил.
12. 14. Килачев Ф. "Зулматдан садолар". Тошкент, 1994 йил "Адолат".
13. Шукрулло. Қасосладунё. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994 йил. Ойномалардан олинган манбалар.
14. Хожи Юнус Мақсудий. "Хазон бўлган тақдирлар". Тошкент, 1995 йил.
15. В. Илюхин. "Қабохат ёхуд". Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 йил.
16. Н. Мухитдинов. "Кремлда ўтган йилларим". Тошкент, "Ўзбекистон" 1995 йил.
17. Нарзулла Жўраев. Юксалиш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 йил.
18. Истиқлол йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 йил.
19. Ж. Туленов, З. Гафуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996 йил.
20. Р. А. Нуриллин, К. Х. Хасанов, Л. К. Шек. "Файзулла Хўжаев", Тошкент, 1977 йил.
21. Мустиқиллик бунёд ҳуқуқи. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997 йил.
22. У. Эрбутаева. Қатағон йиллар қурбонлари Гулистон 1998 й.
23. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент 2008 йил .
24. Фуқаролик жамияти 2011 йил №1 (25) Жамоат ташкилотларининг қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги фаолияти ҳақида. 37 бет .
25. Ражабов. Қ. "Пахта иши" ва "Ўзбеклар иши" ёхуд топталган тақдирлар хусусида. Бухоро 2010 йил 95 бет.

Рўзномалардан олинган манбалар. Халк меҳри абадийдир. Атокли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилганкунининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида очик хат. "Ўзбекистонновози", 1992 йил 16 июнь.

1. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1993 йил 2 июнь.
2. "Тошкент ҳақиқати", 1995 йил 2 ноябрь.
3. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1995 йил 24 февраль.
4. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1995 йил 16 июнь.
5. "Халқсўзи", 1997 йил 17 март.
6. "Ишонч", 1998 йил 24 февраль.
7. "Халқ сўзи", 1998 йил 14 март.
8. "Шарқ юлдузи", 5-сон, 1992 йил.
9. "Гулистон", 2-3 сон, 1993 йил.
10. "Нафосат", I-сон, 1993 йил.
11. "Мулоқот", I-сон, 1993 йил.
12. "Мулоқот", 3-4 сон, 1994 йил.
13. "Ёш куч", II—сон, 1989 йил.
14. "Ёш Куч", II-сон, 1991 йил.

Интернет сайтлари рўйхати:

1. www.e-tarih.uz
2. www.akademik.ru
3. www.history.ru
4. www.Literature.ru
5. www.Kutubxona.uz